Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 155 (7. 244) 1990 йил 12 июль, пайшанба Баҳоси 4 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 9 июль куни А. И. Лукьянов раислигида ўтган кечки мажлисда делегатлар КПСС Устави лойиҳасини кўриб чиқишга киришдилар.

Комиссия раиси М. С. Горбачев съезд қатнашчилари киритган ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисида ахборот берди. Съезд партия Устави лойиҳасини асос учун қабул қилди, шундан сўнг тузатишлар ва мулоҳазаларни батафсил муҳокама қилиш бошланди.

* * *

1990 йил 10 июль куни Москвада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис Украина Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи котиби С. И. Гуренко раислигида ўтди.

М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи муҳокамаси якунлари юзасидан сўзга чиқди.

Сўнгра съезд Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюция қабул қилди.

Танаффусдан сўнг съезд КПСС Марказий Комитети Бош котиби лавозимига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилишга киришди.

Кўрсатилган номзодларни муҳокама қилиш натижасида яширин овоз бериш учун рўйхатга Т. Г. Авалиани ва М. С. Горбачев киритилди.

Съезд сайлов ўтказиш учун саноқ комиссиясини тузди.

* * *

Кечқурунги мажлисда делегатлар КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Дастурий баёноти лойиҳасини тайёрлаш комиссиясининг раҳбари В. А. Медведевнинг ахборотини тингладилар.

Сўнгра КПСС Марказий Комитети Бош котибини сайлаш юзасидан овоз бериш ўтказилди.

Шундан кейин съезд қатнашчилари КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Кечки мажлис охирида саноқ комиссиясининг раиси овоз бериш натижаларини эълон қилди. М. С. Горбачев Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди. Делегатлар саноқ комиссиясининг протоколини тасдиқладилар.

Съезд қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, СССР Президенти М. С. Горбачев қисқа нутқ сўзлади.

* * *

1990 йил 11 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Озарбайжон ССР Президенти А. Н. Муталибов раислигида ўтди.

Съездда резолюциялар лойиҳаларини муҳокама қилиш давом этди.

Танаффусдан сўнг мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош котиби М. С. Горбачев раислик қилди.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари лавозимига кўрсатилган номзодларни муҳокама қилдилар.

Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ



Михаил Сергеевич Горбачев 1931 йил 2 март куни Ставрополь ўлкасининг Красногвардейское районидаги Привольное қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 13 ёшидан вақти-вақти билан колхозда, 15 ёшидан — машина-трактор станцияси комбайнчисининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. М. В. Ломоносов номидаги Москва Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетини (1955 йил) ва сиртдан Ставрополь қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисод факультетини (1967 йил) тамомлаган.

Университетни тамомлагандан кейин ўз юртида, Ставрополь ўлкасида, — аввалига ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича ишлади, бироқ тез орада комсомол ишига кўтарилди.

1962 йил мартида Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш колхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси этиб сайланди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудири қилиб тасдиқланди. 1966 йил сентябрида Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. 1968 йил августидан КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи котиби лавозимида ишлади, 1970 йил апрелида эса биринчи котиб қилиб сайланди.

1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг котиби, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод қилиб сайланди. 1980 йил октябрида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига ўтказилди. 1985 йил мартида КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби қилиб сайланди.

1988 йил октябридан — СССР Олий Совети Президиумининг Раиси, 1989 йил май ойидан — СССР Олий Советининг Раиси бўлиб ишлади. 1990 йил мартида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти лавозимига сайланди.

1990 йил 10 июлда КПСС XXVIII съездида яна КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайланди.

Бир қанча давлат мукофотларига сазовор бўлган.

Тонгги рўзномаларда

⊙ Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Бугун рўзномаларда съезднинг ўнинчи иш куни ҳақида ҳисобот ва «Демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун, коммунистлар қувғин этилишига қарши» ҳамда «КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи ва партиянинг вазифалари юзасидан» Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съездининг резолюциялари эълон қилинган.

⊙ Африка бирдамлиги ташкилотининг раиси этиб сайланганлиги муносабати билан Уганда Республикасининг Президенти Йовери Кагута Мусевенига СССР Президенти М. С. Горбачевнинг йўллаган табриги берилган.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Сиёсий ҳисоботи муҳокамасининг якунлари юзасидан

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

Мунозара энди авж олмоқда, кўп иш ҳали олдинда турибди. Мунозара шу ерда, мана шу залда ҳам, секцияларда, комиссияларда ҳам давом этди. Бу секциялар ва комиссиялар ишида съезд делегатлари фаол қатнашмоқдалар. Бунга ишчи, деҳқон делегатлар, партия ташкилотларининг, район ва шаҳар партия комитетларининг котиблари, аграр ходимлар билан бўлган учрашувларимиздаги баҳсларни ҳам қўшадиган бўлсак, айтиш мумкинки, съезд кўп нарсани юзага чиқарди. Бир томондан, мамлакатда юз бераётган жараёнлар ҳақида биз билган гаплар тасдиқланди. Лекин съезд, айниқса, жамиятимизда у ёки бу тамойиллар ривожланадиган бўлса, уларнинг мумкин бўлган оқибатларига баҳо бериш нуқтаи назаридан қараганда биз билган нарсаларга яна кўп нарсани қўшди.

Мен ҳозир тўла якун ясашга даъвогар эмасман — бу ишни съезддан кейин партиянинг янги сайланган Марказий Комитети ва унинг органлари, барча даражадаги партия комитетлари амалга оширадилар. Ҳамма нарсани бирваракайига бир жойга тўплаш жўн эмас. Ҳозирги босқичда нималарни сезаётган, бошдан кечираётган ва баҳолаётган бўлсам, худди шундай гапираман.

Мунозара умуман ақл-идрокнинг ҳолатини, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳадаги, сиёсий турмушдаги аҳволни, мамлакатда юз бераётган қайта қуриш жараёнларининг кескинлигини акс эттирди. Унда юзаки, тасодифий, аччиқ устида, ташвишлар зўрлигидан айтилган гаплар ҳам кўп бўлди, ҳатто ғазабланиш ёки баҳс юритишни билмаслик оқибатларида айтилган гаплар ҳам бўлди. Нима ҳам дердик, ҳаммамиз ўрганамиз. Воқелигимиз ана шундай.

Мен муҳокама марказида турган, энг қизғин баҳсларга сабаб бўлган ва бу хусусда энг кўп савол берилган асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатмоқчиман. Масалани шу тарзда қўйиш тўғри бўлади, деб ўйлайман: ҳозир мунозарадан, съездимизда бўлаётган ишлардан қандай сабоқ чиқариб олиш мумкин?

Дастлаб шуни таъкидлаш керакки, озгина истисно билан қайта қуришга қаратилган сиёсий йўл, жамиятимизни социалистик йўл доирасида янгилаш шубҳа остига олинаётгани йўқ, уни съезд қўллаб-қувватламоқда. Делегатларнинг кўпчилиги қайта қуришни ҳаётнинг ўзи тақозо этганлигини ва у иқтисодиётдан тортиб маънавий соҳагача барча йўналишларда сиёсатга айланиб, ҳозирнинг ўзидаёқ жамиятда улкан ўзгаришлар бўлишига олиб келганини ва бутун тараққиётимизга шундай катта таъсир ўтказаётганини тушуниб турибди. Менинг позициям қуйидагилардан иборат — бу хусусда сизлар аниқ-равшан тасаввурга эга бўлишларингиз керак. Хатолар, нуқсонлар, кечикишларга қарамай (бу ҳақда делегатлар бу ерда тўғри гапиришди ва қаттиқ танқид қилишди, чунки бу жамият ва партия учун катта маҳрумликларга айланди), мамлакатдаги ҳозирги аҳволнинг фожиали эканлигига қарамай, юз берган ўзгаришларнинг умумий якунини мен жуда катта ва илғор якун деб ҳисоблайман.

Съездда қайта қуриш нима берганлиги тўғрисидаги фикрлар тўқнашди. Қайта қуриш самараларига арифметиканинг тўрт амалидан фойдаланиб, дорихона тарозисига солиб баҳо беришга уринишлар бўлди. Бу жиддий иш эмас, ўртоқлар. Қайта қуриш, жамиятни инқилобий ўзгартириш каби ҳодисаларга янги мезонлар, тарихий кўламдаги мезонлар билан баҳо бермоқ лозим.

Қайта қуриш зарурлигини, у шунчаки бинонинг олдини безаб кўрсатиш эмас, балки инқилоб эканлигини ҳақиқатан ҳам тушунган кишилар ҳали кўп нарсаларни бартараф этиш лозимлигини англайдилар. Қайта қуриш ташаббускорлари номига айтилган танқидни у қанчалик кескин бўлмасин, қабул қилар эканман ва ҳисобот маърузасига танқидий баҳо берилганига қарамай, мен унда айтилган гаплардан сира воз кечмайман, чунки уларнинг ҳаммаси пухта ўйлаб ва ўлчаб кўрилган.

Эришилган натижаларнинг энг ижобий жиҳати шундаки — жамият эркинликка эришди. У халқнинг куч-ғайратини бўғиб турган нарсалардан ҳоли бўлди, ақидалар ҳамда эски схемалар бўғиб турган ғояларга, мамлакат тақдири учун, социализм тақдири учун қайғуришга йўл очиб берди, миллионлаб кишиларни сиёсатга жалб этишга ва етилган ҳаётий ўзгартиришларни бошлаб юборишга имкон берди. Агар эркинлик бўлмаганида эди, шу съезд ҳам, съезд ўтаётган муҳит ҳам бўлмас эди.

Сталинчилик ва турғунликнинг бўғиқ ва қатағон муҳитида тўпланиб қолган ва ҳозир юзага чиққан нарсаларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилли ва амалий бўлмади. Аммо бу билан ҳисоблашишга тўғри келади — чунки бу инқилоб, инқилобнинг дастлабки вазифаси ҳамиша халққа эркинлик беришдан иборат бўлади. Қайта қуриш ҳам ўзининг демократиялашни, ошкоралиги билан ана шу энг муҳим вазифани бажарди.

Жамият учун маънавий тикланиш ҳаво каби зарур. Бу жараён кўз ўнгимизда юз бермоқда ва бу жараён барча камчиликларга қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ жуда катта таъсир ўтказди. Жамият бошқача бўлиб қолди, сиз билан биз ҳам бошқача бўлиб қолдик. На партия, на умуман мамлакат, на эски ва на янги тузилган ташкилотлар ва ҳаракатлар, янги ҳокимиятимиз, сиз билан биз — ҳаммамиз, ўртоқлар, эришилган эркинликдан фойдаланишни ўрганиб олмаганлигимиз эса бошқа масаладир.

Шу сабабли биринчи навбатдаги вазифа ана шу эркинликдан фойдаланишни тезроқ ва яхшироқ ўрганиб олишдан иборат.

Сиёсий ислоҳотда етарли даражада илгарилаб кетдик, халқнинг ўз иродасини демократик ифода этиши негизида юқоридан тортиб қуйигача ҳокимиятнинг янги структураларини барпо этдик. Улар янада такомиллашмоқда, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ демократиямизни, ҳуқуқий давлат тушунчасини аниқ-равшан мазмун билан тўлдириб, ишлай бошлади. Уларнинг ишида ожиз томонлари кўп, тажриба етишмайди, иш тартиби ва воситалари созланмаган, кўпинча сиёсий маданият ва ўқув, махсус билим етишмайди — бу ҳақда шу кунларда кўп гапирилди. Советларнинг кадрлар туркумини шакллантириш жараёни ҳали тугалланмаган. Шунга қарамай янги Советлар иш қила бошлади, халқ депутатларининг масъулияти, аниқ муаммолар, аҳолининг эҳтиёжлари билан тезроқ шуғулланиш муддаоси кучайиб бормоқда.

Шу тариқа чинакам Совет ҳокимияти қайтадан тикланаётганлиги қувончли воқеа, қайта қуришнинг энг муҳим ғалабаларидан биридир, бунда коммунистлар, партия ташкилотлари қатнашдилар ва ҳозир ҳам қатнашмоқдалар. Шунга қарамай, баъзи жойларда Советлар билан партия ўртасида бироз ажралиш, айтишим мумкинки, совуқчилик сезилмоқда. Бу соҳада коммунистлар ғоят диққат-эътиборли бўлишлари ва аввало, ўзларига назар ташлашлари керак. Ишни ҳамиша ўзидан бошлаш лозим. Бу бегоналашув биз Советлар билан алоқада буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасидан мерос қолган олдинги усуллардан ҳеч қутула олмаётганимиз билан боғлиқ эмасмикан? Янги ҳокимият органлари ўз томонидан бундай эътирозларга қийинчилик билан муносабат билдирмоқдалар.

Қонунийликни мустаҳкамлаш, тартиб ўрнатиш, қарорларни амалга ошириш воситаларини вужудга келтириш эндиликда барча даражадаги Советларнинг ҳокимият ва ҳуқуқларни тезроқ қўлга киритиши билан бевосита боғлиқ эканлигини маърузамда айтиб ўтдим, буни яна бир бор такрорламоқчиман. Бу ишда ёрдам бериш партиянинг, партия ташкилотлари ва комитетларининг, Советларда ва ишлаб чиқариш жамоаларида ишлайдиган коммунистларнинг муқаддас бурчидир. Мен шу билан бир вақтда Советларнинг депутатларини ҳам амалий тарзда, Конституция ва қонун доирасида ҳаракат қилишга даъват этаман. Уларга мен биринчи навбатда Президент сифатида мурожаат қиламан. Депутатларнинг бир қисми, очиғини айтамиз, мухолифлик позициясига ўтиб олмоқда, бу ҳеч қандай яхшилик келтирмайди. Агар коммунистлар ҳозирги вақтда янгиланган Советлар нима эканлигини, уларнинг ўзлари халқ манфаатларини кўзлаб вазиятни нормал изга солишга ўз ҳиссаларини қўшишлари лозимлигини тушунмас эканлар, бу яхши эмас. Агар Советлар партия ташкилотлари билан алоқа қилиш зарурлигини тушунмас эканлар, бу яхши эмас.

Мунозаранинг иккинчи сабоғи тўғрисида гапирганда, қайта қуриш йўлини қўллаб-қувватлаш билан бир вақтда бу йўл ҳамиша ҳам изчиллик билан ўтказилмаганлиги хусусида жуда кўп ўткир танқидий мулоҳазаларни айтган делегатларнинг фикрларини ажратиб кўрсатмоқчиман. Ижтимоий жараёнларни йўналтириб туриши ва салбий ҳодисалар юз беришининг олдини олиши лозим бўлган кўпгина муҳим қарорлар ва қонунлар бажарилмай қолди. Шуларнинг ҳаммасини ўйлаб кўриш ва келажак учун хулосалар чиқариб олиш керак.

Шундай бўлдики, биз ҳаёт талабларига тезроқ жавоб қайтаришга ва зарур қонунлар ва қарорларни қабул қилишга интилиб, уларни бажаришга кам эътибор бердик, аслини олганда бизда қарорлар ва қонунларнинг бажарилишини таъминлайдиган чинакам воситаларнинг ўзи барпо этилмаган. Ана шундан президентлик ҳокимияти зарурлиги равшан бўлди, сиёсий ислоҳотни тезроқ ўтказиш, янги Советларни барпо этиш зарурлиги равшан бўлди, чунки буларсиз қонунларнинг ўзи муаллақ бўлиб қолаверади.

Булар кўп жиҳатдан марказнинг виждонига ҳавола. Лекин жумҳурият ва маҳаллий босқичларда ишловчи ўртоқларнинг масъулияти ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Биз марказда жойларга, жойларда марказга имо қилмасдан ҳамкорлик қилишимиз, куч-ғайратларни бирлаштириб ҳаракат қилишимиз лозим, айбдорларни четдан қидирмаслигимиз керак.

(Давоми иккинчи бетда).

ТУБ БУРИЛИШНИ КУТЯПМИЗ

Симда—Москва

⊙ Мамлакат коммунистларининг анжуманида куни-кеча делегатлар М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби этиб сайладилар. Шундай бўлса-да, ҳали баҳслар, мунозаралар давом этяпти. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг ректори, академик Эркин Юсупов билан сим орқали суҳбатимиз ҳам шундан бошланди.

— Сўзга чиқиш жуда қийин бўляпти, — деди Эркин ака.— Навбатга съезд бошланиши биланоқ ёзилган эдим. Яхшиямки, секциялардаги музокараларда уч марта сўзга чиқиб, сал бўлса ҳам юракни бўшатиб олдим...

— Агар съездда сўз бериб қолса нималар ҳақида гапирмоқчисиз?

— Мени кўпроқ партиянинг тақдири ўйлантиряпти. Бу ҳақда съездда ягона бир тўхтамга келамизми ёки йўқми, билмадим. Ҳозирча бунинг руҳи сезилмаяпти. Шунингдек, мен Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллиги, ўзбек халқининг дарди, минтақамизнинг энг касал муаммолари ҳақида гапирмоқчиман.

— Бош котибликка яна М. С. Горбачев сайланганлиги ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ҳар ҳолда М. С. Горбачев биз коммунистлар ўртасида ва халқаро доирада йирик сиёсатчи сифатида катта обрўга эга. Шунинг учун ҳам у кўп овоз олди.

— Сиёсий бюро аъзоларини реал воқеликдан келиб чиққан ҳолда ҳисобот қилдилар, деб ўйлайсизми?

— Мамлакатдаги аҳвол Сиёсий бюро аъзоларига боғлиқ эмас. Уларнинг ўрнида бошқа кишилар бўлганда ҳам менимча аҳвол ўзгармас эди. Ўзбекларда шундай ажойиб бир мақол бор: «Қозонда бори чўмичга чиқади». Мамлакат танг ҳолда, иқтисодий қудратимиз эса ҳаммага маълум. Энди ваъзхонликни йиғиштириб, ишга ўтишимиз керак. Ахир ишламаган тишламайди.

— Менинг назаримда, кейинги пайтда раҳбарларга тош отиш кучайиб кетди. Баъзи раҳбар кадрлар очиқдан-очиқ камситилмоқда. Бу ҳам демократиями?

— Гапингиз тўғри. Мен ана шу съезд давомида ҳали кўпчилик делегатларимизнинг маданияти пастлигини сездим. Йиғинларда, бундай анжуманларда кўп делегатлар ўзларини қандай тутишни билмайдилар. Раҳбар кадрларнинг тирноғи орасидан кир қидириб, тўғридан-тўғри камситишга уринадилар. Сиёсий бюро аъзоларининг ишига баҳо берганда уларнинг ишига яхлит баҳо бериш керак. Чунки улар коллектив равишда ишлашган.

— Сиз коммунист сифатида съезддан нималарни кутяпсиз? Партия ҳаётида туб бурилиш бўлиши мумкинми?

— Албатта ўзгаришлар бўлади. Энг муҳими, коммунистларнинг онгида ўзгариш бўлиши керак. Агар биз бу онгни ўзгартира олмасак, партия ишида туб бурилиш бўлмайди.

— Бунга асосингиз борми?

— Бор. Чунки коммунистларнинг ўртасида бирлик йўқ, тарқоқ. Делегатларнинг ўзи съездда бир неча гуруҳларга ажралиб кетишяпти. Фикрлари эса якдил эмас. Баъзи масалаларда ўзаро келишишлар қийин бўляпти. Ахир партия бир бўлгандан кейин мақсад ҳам бир бўлиши керак-да!

— Маълумки, Сиз СССР халқ депутати сифатида ҳам жумҳуриятимизнинг катта муаммолари тўғрисида, шу жумладан пахта яккаҳокимлиги, иқтисодий мустақиллик, шунингдек қуриб бораётган Орол тўғрисида ҳам кўп жон куйдириб гапирган эдингиз. Съездда ҳам Орол ҳақида гап бўлди. Бироқ...

— Саволингизга тушундим. Менинг тушунишимча, Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга оқизишга кўпчилик қарши. Бу ҳақда М. С. Горбачев билан ҳам гап бўлди. Лекин ҳозирча аниқ бир фикр айтилмади. Оролни қутқариш хусусида лойиҳалар танлови эълон қилинса керак. Бу матбуотда босилади. Бироқ мен мана шу анжуманда мазкур масала ҳам ҳал бўлишини истардим.

— Сиз танаффусларда мамлакат раҳбарлари билан гаплашишга уриндингизми?

— Ҳа, албатта. Шахсан Н. И. Рижков билан пахтанинг давлат буюртмаси тўғрисида тортишдим. Пахтамизнинг маълум бир қисмини четга сотиш керак деб айтдим. Бироқ унинг бунга хуши бўлмади. Аниқ бир фикр айтмади.

— Ўш воқеаси ҳақида ҳам гап-сўзлар бўлди...

— Ҳа, Ўш масаласи — сиёсий фожиа. Одамлар ўртасида меҳр-оқибатнинг йўқлиги бу. Мамлакат раҳбарлари ҳозирча бу воқеага етарлича эътибор бермаяптилар. Лекин унинг олди олиниб, айбдорлар топилиб, жазоланмас экан, бу катта хато бўлади. Биз бу ҳақда съездга мурожаат қилдик. Жавоб кутяпмиз.

— Сиз съезд ишига қандай ҳисса қўшяпсиз?

— Мен КПСС Ҳаракат дастури комиссиясида иш олиб боряпман. Секцияда ишладим. Анча таклифлар бердим. Ҳаракат дастурининг дастлабки варианти ўзгарди.

— Бундан кейин партия фақат сиёсий ишлар билан шуғулланади, деб ўйлайсизми?

— Худди шундай бўлиши керак. Хўжалик ишларига қўл урмаслиги керак. Мафкурамиздаги ўпирилишларни тузатишимиз зарур. Одамларда меҳр-оқибатни уйғотайлик.

— Сизнингча танглиқдан қандай чиқиш мумкин? Бунда кўпроқ кимни айблашяпти?

— Инқирознинг асосий айбдорлари деб ўша даврдаги партия раҳбарларини ҳам айблаш мантиққа тўғри келмайди. Уларга — ўтганларга айб қўйиш ҳам яхши эмас. Нима бўлган бўлса ўша давр вазиятидан келиб чиқилган. Ҳозир съездда Брежнев, Кунаев, Алиев, Рашидовлар иши бўйича комиссия тузиш керак деган фикр бўлди. Бу фикрнинг асосида уларнинг номларини оқлаш керак, деган маъно бор.

Танглиқдан чиқиш учун ҳозир кўпроқ мамлакат, партия истиқболи ҳақида ўйлашимиз, аниқ мақсадга қаратилган қарор қабул қилишимиз ва бу қарорни сўзсиз амалга оширишимиз керак.

Суҳбатдош
Тўхтамурод ТОШЕВ.

М. С. ГОРБАЧЕВ нутқи

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жумҳуриятлардаги ва жойлардаги ўртоқлар, очиғини айтганда, марказда ҳам ўртоқлар шунчаки саросимага тушиб қолганлари, ўзларини йўқотиб қўйганлари билан кўп нарсани изоҳлаш мумкин бўлар. Бу соҳада эски касаллик — ташаббускорликнинг, мустақил ёндашувларнинг йўқлиги, демократия шароитида, одатдан ташқари вазиятда янгича ҳаракат қила олмаслик намоён бўлди.

Бу ҳақда шунинг учун гапиряпманки, қайта қуришнинг барча қийинчиликларини, янги органлар ҳаётга жуда секин, қийинчиликлар билан кириб келаётганлигини ва жуда секин куч йиғаётганлигини фақат қайта қуришни рад этаётган кишиларнинг қаршилиги билан изоҳлаш мумкин эмас. Бундай қаршиликлар бор, бу ҳақда маърузада ҳам, ишчилар билан, партия ташкилотларининг котиблари билан учрашувларда ҳам айтдим. Аммо кўп одамлар ҳозирги вазиятни шунчаки тушуниб олишлари лозим.

Биз, партия тангликка учради, деймиз. Бу тангликнинг илдизлари биз энди мислсиз сиёсийлашган янги жамиятда, ошкоралик бутун эркинлик тарихида мисли кўрилмаган даражада кенг ва амалда чекланмаган жамиятда яшаётганлигимиз ва ишлаётганлигимизни англай олмаслигимизга, бир қанча ҳолларда эса буни охиригача тушуниб етишни истамаслигимизга бориб тақалади. Кўпгина партия ташкилотлари, коммунистлар ўтмишдан мерос бўлиб қолган, бизни этагимиздан тутиб турган одатдаги усуллар билан ҳаракат қилишни давом эттирмоқдалар. Агар делегатлардан баъзилари съездга партияни буйруқлар бериш каби олдинги шароитга қайтариш умиди билан келган бўлса (нутқларга қараганда, орамизда шундай делегатлар ҳам бор), у ҳолда мен айтишим керакки, улар аниқ-равшан ва чуқур хато қилмоқдалар. Биз ҳар бир соатимизни қайта қуришни олға силжитишга, ишимизни янги шароитга мослаштиришга сарфлашимиз лозим.

Агар партия ўзининг янги ролини бутунлай англаб етсагина, демократиялаш йўлида ўзини қайта тузишни қисқа муддатда тугалласагина, омма орасида янгича ишлашни тезроқ ўрганиб олсагина, ана ўшанда жамиятнинг етакчиси бўлади ва муваффақият билан ҳаракат қила олади. Олдинги даврлардан буён давом этган халқдан ажралиб қолишдан бартараф этиш лозим. Аввало бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини янгилаш, кадрларни ўзгартириш, уларнинг обрўсини ошириш йўли билан бартараф этиш лозим.

Бу ерда вужудга келган тушуниб етмаслик мени жуда ташвишга солмоқда. Агар биз ўтмишдаги ҳамма нарсалар кўп жиҳатдан эскириб қолганлигини ва энди мақбул эмаслигини англаб етмасак, биз олға томон ҳаракат қила олмаймиз, партиянинг мавқеини мустаҳкамлай олмаймиз, жамиятга самарали сиёсатни таклиф қила олмаймиз ва шу тариқа қайта қуришга янги жўшқинлик бахш эта олмаймиз. Съезд муҳитида ҳам, кўпгина нутқларда ҳам, айрим делегатларнинг мунозара олиб бориш услубида ҳам партия бошқа жамиятда яшаётганлиги ва ишлаётганлигини ҳамда янгиланган, фаолият услуби бошқача бўлган ўзга партия зарурлигини ҳамма ҳам тушуниб етмаганлигини бутун вужудим билан ҳис этдим. Биз ўз йўлимизни, ўзимиз танлаган йўлни ўзгартирмаймиз, Социалистик қадриятларга содиқмиз. Аммо ишонинглар, партиянинг муваффақияти ҳозир бу бошқа жамият эканлигини тушуниб олишига боғлиқ. Акс ҳолда уни бошқа кучлар қисиб четга чиқариб қўяди ва биз ўз мавқеимиздан маҳрум бўламиз. Ҳозир эса биз жуда катта имкониятларга эгамиз, ҳамма гап энг асосий масалани — янгиланишсиз, демократиялашсиз, халқ билан жонли алоқани мустаҳкамламай туриб, омма орасида фаол иш олиб бормай туриб, биз олға томон ҳаракат қила олмаслигимизни англаб етишдадир.

Шу кунларда мен ўртоқлар билан жуда кўп шахсий суҳбатлар ўтказдим. айтишим керакки, одатдаги ибора билан айтганда, оддий ўртоқлар, ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, бошланғич партия ташкилотларининг котиблари томонида туриб партия тушиб қолган вазиятнинг одатдагича эмаслигини ва янгилигини кўпроқ тушуниб етдим ва ҳис этдим. Бу, умуман айтганда, «ўша даврлар»дан қолган ибора бўлиб, ундан фойдаланишим ўринсиз бўлса керак.

Бу ерда Донецкдан ўртоқ Гайворонский сўзга чиқди, у энг муҳими, партия ишчилар синфи билан ғоят кенг ва чуқур алоқаларни тезроқ кучайтириши лозим, деб тўғри эслатди. Делегат ишчилар ва таклиф этилганлар билан учрашув ҳам шуни кўрсатди. Партия комитетлари, шу жумладан, Марказий Комитет катта сиёсий кампаниялар давомида ишчилар синфи манфаатларини муносиб ҳимоя қила олмаганликлари, ишчилар ҳаракатининг вужудга келаётган янги шаклларига муносабат хусусида ўз мавқеларини жуда кўп ўйлаганликлари билан айбдордирлар. Биз бунда кўп нарсадан маҳрум бўлдик, ишчилар синфи масалани олдимизга тўғри қўймоқда.

Бўлиб ўтган мунозарадан чиқариб олинадиган навбатдаги сабоқ шундаки, биз қайта қуришнинг асосий йўналишларида олға томон қандай ҳаракат қилишимиз кераклигидир. Иқтисодий вазият, бозордаги аҳвол, аҳолини товарлар билан таъминлашдаги аҳвол учун партия ва давлат раҳбарияти шафқатсиз танқид қилинди.

Бу соҳадаги энг асосий вазифа — озиқ-овқат масаласини ҳал қилишдир, мен бу масалани биринчи ўринга қўяман, бу хусусдаги кескинлик тугатилса, ижтимоий соҳадаги — бошқариладиган бозорга ўтиш ва уй-жой масаласидаги аҳвол кескинлигининг 70-80 фоизи бартараф этилади.

Яширмайман, шу муносабат билан съезд делегатларнинг тўртдан уч қисми овози билан иқтисодий ислоҳот комиссиясининг номини ўзгартириб, ундаги «бозор» сўзини чиқариб ташлаганида, мен ташвишга тушиб қолдим. Демак, жамиятга таклиф этилаётган халқ хўжалигидаги вазиятни тубдан ўзгартириш йўлида кескин бурилиш қилишни тушуниб етмаслик ҳамон давом этмоқда.

Ўртоқлар, буйруқбозлик, фармойиш бериш системасининг йиртиқларини тикиш ва ямаш йўли билан давлатни ҳам, фуқароларни ҳам муҳтожликдан олиб чиқишга уриниш беҳуда эканлигини наҳотки бутун тарихимиз кўрсатмаган бўлса? Биз ўнлаб йиллар давомида ана шу системага маҳкам ёпишиб олиб, жуда кўп нарсалардан маҳрум бўлдик, ҳозир ҳам ўша системага ёпишиб олмоқдамиз ва шу тариқа янгиланишга ҳамда мамлакат иқтисодий турмушида янги шаклларга ўтишга тўсқинлик қилмоқдамиз. Бундан буён ҳам шу тариқа ҳаракат қилаверсак, очиғини айтаман, мамлакатни хонавайрон қиламиз. Мен ўз нуқтаи назаримни аниқ баён қилаяпман.

Бозор хўжалигининг афзалликлари жаҳон миқёсида исботлаб берилган, бинобарин ҳозир масала шундаки, бозор шароитида бизнинг социалистик тузумимизга, меҳнаткашлар тузумига хос бўлган юксак ижтимоий ҳимояланишни таъминлаш мумкинми? Жавоб бундай: таъминлаш мумкин, аммо айни бошқариладиган бозор иқтисодиёти жамоат бойлигини шу қадар кўпайтирадики, натижада ҳамманинг турмуш даражаси ортади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёни учун «соҳилларни яратиб берадиган» қонунларга эга бўлишга, қарорлар қабул қилишга қодир бўлган давлат ҳокимияти бизнинг қўлимизда, албатта.

Бозор афзалликлари тўла-тўкис намоён бўлгунига қадар унинг қарор топиш даври ўтиши керак, албатта. Ана шу даврдаги энг мураккаб вазифа — айниқса қашшоқ фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг махсус чора-тадбирлари мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Маърузада бозор иқтисодиётига ўтиш муддаосининг эълон қилиниши халқни чўчитиб юборганлиги айтиб ўтилди. Халқ кўз ўнгида у магазин пештахталарининг тўлиб-тошиши тарзида эмас, балки нарх-навонинг қимматлиги тарзида намоён бўлди. Нархдан бошлаш мақбул йўл эмаслигини айтдим. Аммо ислоҳотни бошлаётганда шуни назарда тутиш керакки, нарх белгилашни ислоҳ қилмай туриб бозор иқтисодиётига ўтиб бўлмайди. Умуман биз ана шу таассуротни ўзгартиришимиз, энг муҳими эса — сентябрь ойигача Олий Советга ҳам, жамиятга ҳам улар ўз йўлини аниқлаб танлаб олиши учун пухта ўйланган таклифларни киритишимиз керак.

Бу ерда кескин тарзда қўйилган ва (мен буни сезиб турибман) бутун зал томонидан қўллаб-қувватланган аграр сиёсатга доир саволларга батафсил жавоб қайтаришим учун имконият бўлган эди. Умуман биз аграр сиёсат соҳасида қандай ҳаракат қилиш зарурлигини тушуниб етишда аграр ходимлар билан учрашувда анча илгарилаб кетдик ва аниқ-равшан чораларни кўра бошладик. Кеча Н. И. Рижков қишлоқ қарзларини кечиб юбориш тўғрисидаги қарорга имзо чекди. **(Қарсаклар).**

Мен ўз фикримни айтдим: бу ерда, съездда шунчаки озиқ-овқат масаласи хусусида эмас, балки деҳқонларга, қишлоққа нисбатан сиёсий мавқени эгаллашимиз лозим. Бу муаммонинг фақат бир қисмидир. Қишлоқ ўзини мустаҳкам ҳис этса, деҳқонларимиз ишонч билан яхши яшай бошласа, ташаббускорлик билан ишлаш учун имкониятга эга бўлса — демак озиқ-овқат масаласи ҳам тез ҳал этилади. **(Қарсаклар).**

Шунга қарамай аграр масала тўла-тўкис тушунилмаётганлигини ҳис этдим. Қишлоқни юксалтиришга икки асосий ёндашув ҳатто бир-бирига қарама-қарши қўйилмоқда. Мен бир томондан мулкчилик, ер, ижара тўғрисидаги қонунлар асосида ишлаб чиқариш муносабатларини ўзгартиришни ва иккинчи томондан қишлоқни ижтимоий жиҳатдан қайта бунёд этиш, йўлларни қуриш, қишлоқ хўжалик техникаси ва шу кабиларни ишлаб чиқаришда қишлоққа ёрдам беришни кўзда тутяпман. Шундай одамлар борки, улар партиянинг март Пленумида ишлаб чиқилган сиёсатига онгли равишда салбий муносабатни келтириб чиқаришга уринаётганга ўхшайдилар, гўё раҳбарият қишлоққа ёрдам беришни хоҳламайди, деган тасаввурни вужудга келтиришга бутун чоралар билан уринмоқдалар. Шугина эмас, мен залдан: «Горбачев қишлоқ хўжалигини ёмон кўради, шунинг учун уни аграр комиссияга бошлиқ қилиб қўйиш керак», деб айтилган гапни ҳам эшитдим. Қишлоқ хўжалигини ёмон кўрадиган одамни топишганини қаранг!

Сизлар биласизларки, мен кучли иборалар тарафдори эмасман, аммо ҳозир айтишга мажбурман, бундай гаплар ёки пухта ўйламаслик натижасида келиб чиқади ёки мақсадлар тақозоси билан бўлади. Съезд учун, партия учун, бутун мамлакат учун шу минбардан туриб яна бир бор такрорлайман: бизнинг позициямиз шундан иборатки, биринчидан тўла ихтиёрий танлаб олиш асосида хўжалик юритишнинг барча турларига тўла эркинлик бериш керак. Иккинчидан, шаҳар билан қишлоқ ўртасида, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида қишлоқни тарихан қисқа муддатда юксалтиришга кўмаклашадиган оқилона айирбош қилишни ўрнатиш лозим. Учинчидан, давлат қишлоқнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга аввало деҳқонларимиз учун муносиб турмуш шароитини яратишга мумкин қадар кўпроқ кўмаклашмоғи керак. Айни мана шу уч йўл билан қишлоқни қайта тиклаш ва мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин. Ана шу уч томонлама вазифадан ҳеч нарсани чиқариб ташлаш мумкин эмас, чунки бутун система қулаб тушади. **(Қарсаклар).**

Биз аграр секторга, умуман қишлоққа, деҳқонларнинг аҳволига тааллуқли катта қарорлар қабул қилишимиз лозим — шу кунларда бу ерда бўлиб ўтган мунозараларнинг моҳияти мана шундан иборат, дейиш мумкин.

Бу ерда яна икки мавзу ўткир қилиб қўйилди, уларни тинглаш осон бўлмади, чунки улар одамларнинг турмушига даҳлдор бўлиб, ҳозирдаёқ оғир оқибатларга олиб келди. Бу биринчидан экология мавзуси бўлиб, у ҳозирги энг ўткир муаммолардан биридир, бинобарин, буни ҳал қилишни пайсалга солишимиз мумкин эмас. Бизнинг кўзимиз кечроқ очилди, лекин, ўртоқлар, кўп нарсани ўнглаб олиш мумкин. Чет эл тажрибаси ҳам шундан далолат бермоқда. Тахминан ўттиз йил олдин Қўшма Штатларда ҳам ўнлаб шаҳарлар экология фалокати зонасида қолди, дарёлар деярли ҳалок бўлган, буюк кўллар ҳалокат ёқасига келиб қолган эди, лекин катта маблағ сарфлаш ва махсус программаларни амалга ошириш вазиятни кескин яхшилашга имкон берди. Саноат ва химия корхоналари билан тўлиб-тошган Европада ҳам шундай қилинмоқда. Шу сабабли бизга қанчалик оғир тушмасин табиатни муҳофаза қилиш соҳасини одамларни озиқ-овқат ва уй-жой билан таъминлаш каби ҳаётий муҳим вазифалар билан бир қаторга қўйиб, бу соҳага катта маблағ сарфлаш керак. Соф ҳаво ва сув инсонга нон каби зарур, ўртоқлар. Шунинг учун ҳам мен умуман экология бўйича ва катта экология муаммолари бўйича давлат программалари талаб қилинади, деб ўйлайман, албатта.

Чернобиль авариясининг оқибатлари ҳаммамизга жуда қимматга тушди. Белоруссиялик, украиналик ва брянсклик ўртоқлардан уларнинг кулфатларига шерик эканлигимизни тушунишларини сўрайман.

Биз янги-янги муаммоларни келтириб чиқараётган вазиятга дуч келдик. Айтганча, бу зўр мулоҳаза учун сабабдир. Битта реактор, у қандай оқибатлар келтирганига бир қаранг! Бирдан ядро уруши бошланадиган бўлса, унда нима бўлади? Ҳатто ядро урушида эмас, оддий урушда ҳам ядро реакторлари вайрон этилади, бинобарин уларнинг оқибатларини Чернобиль мисолида биз дуч келган оқибатлар билан таққослаб бўлмайди. Улкан мамлакат уни бирданига уддалай олмаяпти. Бу ишга миллиард сўмлаб пул сарфланди ва яна сарфланади, янги ва янги эҳтиёжлар эса пайдо бўлмоқда. Белоруссияда, Украинада, Брянск вилоятида менинг бу гапларимни эшитишларини ва бутун мамлакат улар билан бирга эканликларини, уларнинг кулфатини тушунишини ва ёрдам беришини билишларини истар эдим. Худди шу каби Орол муаммоси ҳақида ҳам гапирилди. У ердаги одамлар ҳам биз ёрдамга боришимизни ҳис этишлари керак.

Маънавий соҳада, маданият, фан ва маориф соҳасида юз бераётган воқеалардан делегатлар ҳақли равишда ташвишланмоқдалар. Мен зиёлиларнинг вакилларидан кўпчилик бўлиб ёзилган ўнлаб хатларни олдим, гап фақат моддий базанинг қолоқлигида эмас (ҳолбуки буни ҳам кўзда тутиш керак). Съезд бутун маданиятимизни, фан ва маорифни, санъатни, адабиётни ривожлантириш ва юксалтиришни қўллаб-қувватлашимиз кераклиги хусусида қатъий фикрни айтади, деб умид қиламан.

Бу ерда сўзга чиққан ўқитувчиларнинг мактабимизни чинакам қайта тиклаш — мамлакат келажагининг ҳал қилувчи шарти эканлиги ҳақида ташвиш билан айтган гапларига тўла қўшиламан. Булар бир-бирига бевосита боғлиқ — агар биз маорифни етарли даражада юксалтира олмасак, ўқитувчининг мавқеини ошира олмасак, биз ҳеч қачон яшнаган иқтисодиётни барпо эта олмаймиз, ўз фанимиз ва техникамизни жаҳон даражасига кўтара олмаймиз, ичкиликбозликка, гиёҳвандликка, ахлоқнинг тубанлашишига қарши муваффақиятли кураш олиб боролмаймиз.

Янги шароитда партиянинг турмуши ва фаолиятига доир барча муаммолар у ёки бу тарзда мафкура билан боғлиқлиги тушунарлидир. Партия фаолиятининг бу соҳаси энг қаттиқ танқид қилинди, чоғи. Очиғини айтаман, қўполликка ҳам йўл қўйилди, аммо ҳаммамизда ҳам далиллар ва амалий таклифлар ҳозирча етишмади. Бу соҳада биз олға томон дурустроқ силжий олмадик. Мен маънавиятнинг баъзи соҳаларидаги аҳволнинг жиддийлигини инкор этмоқчи эмасман. Шунга қарамай, инсонпарвар социализм идеалларига зид бўлган ахлоқ оммалашиб бораётганлиги хусусидаги ташвишларга қўшиламан. Бу фақат ўтмишнинг мероси эмас, балки, такрор айтаман, узоқ вақт давомида ҳаво димиқиб кетган хонада қолиб кетган жамият тўсатдан олган эркинликнинг «портловчи» тусда эканлиги натижаси ҳамдир. Биз кўп нарсаларни ҳатто билмаган эдик. Буларнинг ҳаммаси партиянинг, зиёлиларнинг, мактабнинг, барча маданий ва маърифий муассасаларимиз бутун системасининг катта эътибор беришини талаб қилади. Худди шундай.

Лекин мафкуравий вазият танқидида мен эскича ёндашувларнинг кучли нафасини ҳам сездим. Маърузада мен мафкура муаммосига уни янгича тушуниш асосида ёндашишга ҳаракат қилдим. Чунки ҳамма гап социализм деганда биз нимани тушунишимиздадир. Айрим ўртоқлар агар биз ҳозир дастурий баёнотга, бошқа ҳужжатларга аввалгидек эски ёндашувларга содиқмиз деб ёзиб қўйсак, ҳаммаси ўз ўрнига тушади, деб ўйлайдилар. Қандай ўринга тушади? Бундан 60 йил олдин маълум оқибатлар билан қаерда бўлсак, ўша аҳволга тушиб қолмаймизми!

Социализм мафкураси — ҳамма нарса бобма-боб, бандма-банд, қоидалар ва принципларга ажратиб ёзиб қўйилган дарслик эмас, социализм мафкураси биз мамлакатимиз тўйдирилишига, обод бўлишига, маърифатлик, маънавий бой, эркин, бахтли бўлишига кўмаклашганимиз сари социализмнинг ўзи билан бирга шакллана боради. Синфий жиҳатдан ёт нарса сифатида эмас, балки оддий одамлар учун оддий нарсалар сифатида умумбашарий қадриятларни қайтадан ўзлаштирганимиз сайин шаклланиб боради. Чунки бу қадриятлар юз йиллар ва минг йиллар давомида вужудга келган бўлиб, уларни менсимаслик бизга қандай оқибат келтирганлиги маълум. Социализм мафкураси мамлакат маърифатнинг умумий жараёнига қўшилган сари шаклланаверади. Айни шу сабабли янги тафаккур уни шакллантириш учун ғоят кенг доираларни белгилаб бермоқдаки, янги тафаккурни бутун дунё ҳозир жаҳонни бир-бирига қарши турувчи лагерларга бўлиб ташламайдиган, балки жипслаштирадиган бизнинг янги байналмилалчилигимиз сифатида кутиб олмоқда.

Биз Марксдан, Энгельсдан, Лениндан тафаккур методологиясининг юксак маҳоратини, диалектик фикрлашни мерос қилиб оламиз, назарияда ва сиёсатда ана шунга таянамиз. Лекин классиклар яратган барча асарларни навбатдаги «қисқа курсга» айлантириб юборишга йўл қўймаймиз. Баъзи нутқларга қараганда, кимлардир шундай қилишни хоҳламоқда. Бунақаси кетмайди, бу қайта қуриш учун, жамият учун ҳалокатлидир. **(Қарсаклар).**

Мана шу минбарга давримизнинг масалаларини фалсафий жиҳатдан ўртага қўйиб, бутун ишимизга ана шу жиҳатдан қарашга уринган нотиқ кўтарилиши биланоқ залда лоқайдлик сезилганлиги, қарсаклар бошланганлиги кўзга ташланиб қолди. «Бўлиши керакми ёки бўлмаслиги керакми», «Йўқолсин — йўқолмасин» каби аниқ шиорларга биз жуда кўникиб кетганмиз. **(Қарсаклар).** Келинглар, мулоҳаза қилиб кўрайлик. Ахир биз жамият етакчиси бўлишга даъвогарлик қилаётган партиямиз.

Баҳслардан чиқадиган яна бир сабоқ. Делегатлар XXVIII съездга жамиятда барқарорликнинг йўқлиги хусусидаги бутун ташвишни олиб келдилар, Ишчилар билан учрашувда ишчилардан бири чидай олмади: «Михаил Сергеевич, Николай Иванович, деди у, менинг икки саволимга жавоб беринглар —мамлакатда қачон тартиб бўлади ва қачон чайқовчилар бўлмайди?». **(Қарсаклар).** Бу оддий саволлар бинобарин, бунга оддий жавоб бериш керак. Бундай жавоб эса йўқ. Мен бундай дейман: биз бозорни қанчалик тез тўлдирсак, иқтисодиёт қанчалик тезроқ ва самаралироқ ишласа, чайқовчиларни, пинҳоний иқтисодиётни шу қадар тезроқ мағлуб қиламиз.

Район партия комитети котибларидан бири бундай деди: «Андропов қилган ишни сиз ҳам қила оласизми?». Мен бу саволга жавоб қайтардим ва бу жавобни шу ерда, съездда такрорлашим мумкин: чайқовчиликка қарши кураш — бу 80 фоизи иқтисод билан боғлиқ масаладир! **(Қарсаклар).** Ривожланган иқтисодиёт бўлмаса, чайқовчининг омади келади! Барча пинҳоний корчалонлар ва пулга учган унсурлар тақчилликдан фойдаланиб, текинга яшайдилар.

Лекин бу — ҳозирча биз ана шу масалаларни ҳал қилмаган эканмиз, қўл қовуштириб ўтиришимиз керак, деган маънони билдирадими? Йўқ, албатта! Сизлар тартибни мустаҳкамлашни биздан тўғри талаб қиляпсизлар, мен эса сизлардан талаб қилмоқчиман — келинглар, бутун йил давомида тузган Советлар бутун системасини ишга солайлик, биз Советларни тузаётган вақтимизда чайқовчи ва жиноятчи ўз ишини қилаверди. Энди эса Советлар тузилди. Келинглар, кучларни бирлаштириб, чинакамига зарба берайлик! **(Қарсаклар).** Ҳозир жамиятдаги барқарорлашиш жараёни айни шу билан совет, хўжалик, партия органлари иши билан боғлиқ бўлади.

Биз миллатлараро муносабатларда кўп нарсани кўздан қочирганлигимиз, вақтни бой берганлигимиз, сезганимизда эса— кечикиб ҳаракат қилганлигимиз ҳаммамиз учун сабоқдир. Ҳозир ўзимни оқламоқчи эмасман, ҳамма нарсадан ҳам ўзимни оқлашни ёмон кўраман. Бўлган иш бўлди. Сиёсий бюронинг жуда кўп мажлислари, биринчи котиблар билан ҳам, комиссияларда ҳам кўп учрашувлар, кўпгина сафарлар бўлди. Лекин буларнинг ҳаммаси етарли бўлмади, чоғи. Энг асосийси — биз хавфни ўз вақтида кўра билмадик, ҳалол тан олинглар! Сиз билан биз ҳаммамиз бу соҳада ҳамма нарса кўнгилдагидек, ҳаммаси ҳал қилинган, деб ҳисобладик ва асосан халқлар дўстлиги учун қадаҳ кўтардик. Миллий сиёсат соҳасидаги ишимиз ана шундай эди. Қандай муаммолар очилиб қолганини бирданига кўрдик. Лекин дарҳол чора кўрмадик, бу муаммоларга дарҳол тўғри баҳо бера олмадик. Фақат кейинчалик дастур пайдо бўлди. Биз ана шу дастур асосида иш олиб бора бошладик. Энди эса вақтни қўлдан бермай ҳаракат қилиш керак. Сиёсий баҳоларимиз бор, партиянинг дастури бор, Олий Совет кўпгина қарорлар қабул қилди, ниҳоят федерация кенгаши ишлай бошлади, янги иттифоқ шартномасини тайёрлаш ва ишлаб чиқиш жараёни бошланди. Съезд орқали коммунистлар номидан мамлакатнинг барча халқларига мурожаат қилиб: келинглар, тўхтайлик, тақдиримизни синаб кўришни тўхтатайлик, энди ҳаммамизга равшан бўлиб қолган ҳужжатлар ва ёндашувларга асосланиб, иттифоқимизга янги куч бағишлайлик, деб даъват этишни таклиф қиламан. Ҳозир бу энг муҳимидир. Ҳамма бу даъватимизни эшитади ва унга жавобан ўз фикрини айтади, деб ўйлайман, аммо бу бизнинг фаол иш олиб боришимизни тақозо этади. **(Қарсаклар).**

Россия Компартиясининг съездида бўлгани каби, бу съездда ҳам, айниқса комиссияларда биз қаттиқ танқидни ва янги ташқи сиёсатимизга қарши тўғридан-тўғри эътирозларни яна эшитдик. Аниқ масалалар юзасидан билимдонлик билан айтилган мулоҳазаларни биз ҳисобга оламиз, албатта. Лекин сиёсатимизни шубҳа остига олишга уринишларни кимларнингдир ғаразли манфаатлари тақозо этган номақбул нарса сифатида тўла рад этаман.

Янги ташқи сиёсатимиз иқтисодиётга, армияга, мудофаага дахл қилди. Ана шу барча соҳаларда биз ислоҳот сари бормоқдамиз, жумладан, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояланиши давлат программасини қабул қилиш сари бормоқдамиз. Армия халқнинг ғамхўрлигини ҳис этиши учун шундай қилишимиз керак.

Энг яхши кадрлар ва илмий кучлар бирлашган, ишлаб чиқаришни қисқа муддатда қайта қуриб, мамлакат учун жуда зарур бўлган маҳсулотларни юксак даражада ишлаб чиқариш билан шуғулланиш учун яхши фондлар мавжуд бўлган мудофаа саноатидаги коллективларимизга ҳам ёрдам бериш керак. Бундан бутун мамлакат манфаат кўради, энг аввало халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларни қайта жиҳозлашдан манфаат кўради.

Қийинчиликлар ҳам бор, албатта. Лекин улар вақтинчаликдир. Бу соҳадаги муаммоларни тезроқ ҳал қилиш лозим. Лекин бу ташқи сиёсатимиз мамлакатга ва бутун дунёга берган нарсалардан кўз юмиш учун сабаб бўла оладими? Мен буни шубҳа остига олишга уринишларни рад этаман. Котиблардан бири менга ҳатто мамлакатдан ташқарига чиқмасликни маслаҳат берди. Биз у ерга нима учун борамиз? Урушга йўл қўймаслик учун, қайта қуришни нормал шароитда олиб бориш, ниҳоят ресурсларни бўшатиб олиш ва уларни мамлакат эҳтиёжларига сарфлаш учун борамиз.

Сиёсатда уқувсиз кишиларнинг гапига кириш мумкин эмас, бу кулфат келтиради. Етакчи бўлишга даъвогарлик қилаётган партия турли кайфиятларга мослашмаслиги, балки етакчилик қилиши лозим. **(Қарсаклар).** Қандай саволларни беришаётганига қаранг, ахир қуролсизланиш ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳаддан ташқари кўп ва кераксиз ҳарбий харажатларни қисқартириш йўлига ўтиб тўғри иш қилдикми? Жавоб саволнинг ўзидан келиб чиқяпти. Шарқий Европада авж олган масалаларга аралашмай тўғри иш қилдикми? Нима, яна танкларни юборишимиз, қандай яшаш кераклигини яна ўргатишимиз керакмиди? Биз қайта қуриш ишини олиб бораётган эканмиз ва жамиятимиз тараққийпарвар, барча халқларга дўстона кайфиятда бўлишга, ҳамкорликни таклиф этишга қодир эканлигини кўрсатишни истаётган эканмиз, бу пайтда бутун дунё бизнинг гапларимизга қулоқ солиб турибди, деб ўйлайман. Шу тариқа биз жаҳонга таъсир қилмоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Шунчаликка ҳам бориб етиладими, ахир, баъзи бировлар: Афғонистондан чиқиб кетиб, тўғри иш қилдикми, деб савол бермоқдалар. Ким билан иш олиб бораётганлигимизни тушунолмай қоляпман.

Яна бир гап. Барча қитъалардаги ўнлаб мамлакатлар билан яхши муносабатларни йўлга қўйиб, тўғри иш қилдикми? Ҳа, тўғри иш қилдик, бинобарин, улар ҳам, бунинг устига фақат ҳукмдорлар эмас, халқлар ҳам ўз фикрларини айтишди. Буни фақат сўқир одамларгина кўра олмайди. Агар соғлом фикр ғаразли маҳкамачилик мулоҳазалари билан булғатилмаган бўлса, буларнинг ҳаммаси тўғри қилинганлигини, халқимизнинг туб манфаатларига ва ахлоқ қоидаларига мос эканлигини кўрсатади. Янги ташқи сиёсатсиз ўз мамлакатимизни ўзгартиришга қодир бўлмаслигимиз тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Съездда ва съездан олдин ҳамкасбларим, бошқа сўзга чиққан бир қанча кишилар берган изоҳлар етарли даражада ишонарли бўлди, деб ўйлайман, шу сабабли масала равшан бўлиши учун мен фақат эҳтиросларни қўшимча қилдим, холос.

Кимки эшитишни хоҳласа ва қулоғи том битмаган бўлса — эшитади. Кимки эшитишни хоҳламаса — бу унинг шахсий иши, биз эса бу хусусда ўз фикримизга эга бўламиз. Лекин бир нозик томони бор. Давлатда муҳим лавозимларни эгаллаб турган, ташқи фаолиятимиз билан бевосита алоқадор бўлган кишилар, агар улар ҳам мамлакат раҳбарияти сиёсатига қўшилмасалар, ўзларининг шахсий фикрларига қарамай, давлат йўлини ўтказишга мажбурдирлар. Президент ва ҳукуматнинг йўли бошқа бўлиб, кимлардадир бошқа йўл бўлса-ю ва шу йўлни ўтказаверса— бундай бўлиши мумкин эмас. Бирорта давлатда ҳам бундай эмас. Хизмат лавозимидаги ҳамма кишилар ҳукуматга нисбатан ҳайрихоҳ бўлишлари керак. Агар улар батартиб одамлар бўлиб ҳукумат сиёсатига қўшилмасалар, у ҳолда истеъфога чиқишлари лозим. **(Қарсаклар).**

Энди партия ва унинг тақдири ҳақида. Сизларни бу ерга олиб келган масала — асосий масалалардан биридир. Мен учун бу бутун ҳаётим ва инсоний позициям масаласидир. Бунда съезднинг сабоғи қандай? Партия обрўсининг тушиб кетаётганидан, унинг мавқеи бўшашаётганидан ўртоқлар жиддий ташвиш изҳор қилдилар. Партияни бошқа сиёсий кучлар қисиб қўймоқда, баъзи жойларда эса коммунистлар оппозицияга ўтишга мажбур бўлдилар. Бунинг учун айбни КПСС раҳбариятига ва айниқса унинг баъзи аъзоларига қўйдилар. Олдиндан шуни айтиб қўяй, ўртоқлар. бу танқид ўз моҳияти билан кўп жиҳатдан адолатлидир. Мен фақат бу танқиднинг шаклига қаршиман. Съездда бизда кимнингдир номига мақтовлар айтиш ҳам ва сурбетлик ҳам — ҳар иккаласи ҳам бўлмаслиги керак. Шу холос, қолганлари ҳақида тўғри гапиравериш керак. **(Қарсаклар).**

Мен бундан Марказий Комитетдан барча йўналишлар бўйича борган омилни етарли эмас, деб хулоса чиқараман. Айни пайтда барча даражадаги партия комитетларининг бу айбда ўз улуши бор. Район, шаҳар, вилоят, жумҳуриятни бошқариш учун Марказий Комитетдан ўзига хос мандат олиш мумкин бўлган ва шу жойда ишни қандай олиб боришидан ва одамлар у ҳақда қандай ўйлашидан қатъи назар умрининг сўнгги соатигача ўтирадиган даврлар ўтиб кетди, ўртоқлар. Бу ерда, юқорида шундай эди, жумҳурият даражасида шундай эди. Барча даражада ана шундай эди. Биз буни қайд этишимиз керак. Аммо у вақтлар ўтиб кетди ва сира қайтиб келмайди. Бунга ишончим комил. Кечаги кунни ҳеч қандай йўл билан орқага қайтариб бўлмайди. Ҳеч қандай диктатура (кимнингдир миясида мана шу бемаъни ғоя юрган бўлса) ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Биз тўғри йўлдан боряпмиз. Фақат мана шу йўлдан мустаҳкам ва қатъий боришимиз, ожизликлардан ҳоли бўлишимиз керак. Бу бош вазифа бўлиб, биз уни ҳал этишни таъминлайдиган сиёсат ва тактикани ишлаб чиқишимиз лозим. Бунда ҳеч ким партиянинг ўрнини боса олмайди. Бу ишни фақат партия уддалай олади.

Партиянинг обрўси ортиб бориши учун, таъсиримиз кўзлаганимиздек бўлиши учун ҳозир нима қилиш керак? Энг муҳими — барча лавозимларда замонавий фикр юритадиган, сиёсий жиҳатдан ўткир кишилар, «қайта қуриш», «демократия», «ошкоралик» сўзларини айтишга тайёр турган, амалда эса янгича ишлашни билмайдиган ва хоҳламайдиган, аввалгидек буйруқ беришга интилаётган мослашувчи кишилар эмас, қайта қуришнинг ҳақиқатан ҳам самимий тарафдорлари бўлиши керак.

Сўзга чиққан съезд делегатларининг, ишчиларнинг илғор, қайта қуриш ташаббускори бўлган билимдон ишчиларни раҳбарлик ишига анча кўпроқ кўтариш лозим деган гапларига қўшиламан. Қайта қуриш қандай кишиларни рўёбга чиқарди! Ҳатто съездда ишчилар синфи вакиллари бўлган ва таклиф этилган кишилар ҳамда делегатлар учрашувида ҳам улар мулоҳаза юритишга, сиёсий таҳлилга қодир одамлар эканликлари кўриниб турарди. Улар «биз тўғри ўша ердан келганмиз» деб кўкрагига уриб, «ишчиларга хос ўткир» гапларни айтишга уринаётган бақироқлар эмас.

Ўша ердан — станок олдидан ва цехдан ва шу каби бизнинг қудратимиз барпо этилаётган, биз турган пойдевор барпо этилаётган жойлардан келишнинг ҳам аҳамияти бор, албатта.

Биз бу ерда баҳслашяпмиз, сайлаяпмиз, мунозара олиб боряпмиз, системани шакллантиряпмиз. Мамлакат эса нимага таянмоқда? Ишчиларга, деҳқонларга, зиёлиларга таянмоқда. Улар халқ хўжалигини юритишмоқда. **(Қарсаклар).**

Яна. Фақат мунозаралардагина эмас, амалий ишларда ҳам амал қилинаётган эски мафкуравий қолиплардан воз кечиш зарур. Ҳаёт талабларини эмас, иш натижаларини эмас, балки инсоннинг у ёки бу ҳаракатлари — хулқи қотиб қолган ақидаларга мос келиши ёки келмаслигини биринчи ўринга қўйиш ҳоллари ҳамон тез-тез учраб турибди. Эски ақидаларга содиқлик айниқса хўжалик юритишнинг янги шакллари, ташаббускор кишилар оёққа туриб олишига тўсқинлик қилмоқда. Агар шундай ҳаракат қилаверсак, у ҳолда социалистик йўлимиз обрўсини тушириб юборамиз. Халқ биздан юз ўгиради.

Яна бир масала. Агар биз ҳаммамиз КПССнинг ҳокимият ва бошқарувга якка ҳокимлиги тугаганлигини тушуниб етмас эканмиз, партия ўзини қайта қура олмайди. Ҳатто биз сайловда кўпчилик ўринни олсак ҳам (биз эса бундай қила оламиз ҳамда ана шундай кўпчилик ўринни эгаллаш ва идора этувчи партия ҳолатини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилишимиз керак) ҳатто шу ҳолларда ҳам партиясиз депутатлар билан, қонун йўли билан тан олинган бошқа сиёсий оқимларнинг вакиллари билан, мамлакат тақдиридан чинакам ташвишланаётган бошқа сиёсий оқимларнинг вакиллари билан ҳамкорлик қилишимиз мақсадга мувофиқдир. Сектантлик кайфиятларига, ана шу якка ҳокимликка бутунлай чек қўйиш, буни барча партия ходимлари, барча коммунистлар онгидан чиқариб ташлаш керак.

Ҳамкорлик қилиш керак! Мен бу хусусда ўртоқ Лучинский бу ерда айтган нуқтаи назарга қўшиламан. Марказий Комитетнинг Ҳисобот маърузасида ҳозирги шароитда барча демократик ва социалистик кучлар коалициясига бориш зарурлиги тўғрисидаги масала қўйилган. Биз партиявий-сиёсий ва миллий келишмовчиликларни бир четга суриб қўйибгина мамлакатни ҳозирги оғир аҳволдан олиб чиқиш ҳамда жамият турмушининг барча соҳаларида олисни кўзловчи ислоҳотларни амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларни бир жойга тўплай оламиз.

Ишончим комил, биздан миллионлаб коммунистлар ва совет кишиларининг аксарият кўпчилиги айни ана шуни, партиянинг ўзи ҳам, барча соғлом фикрловчи, халқ манфаатлари тўғрисида чинакам жон куйдирадиган сиёсий кучларнинг жипслашишини кутмоқда. Бу ҳақда шунинг учун ҳам ишонч билан гапирмоқдаманки, съезд номига юборилган жуда кўп хатларда ва телеграммаларда айни ана шу даъват такрорланмоқда. Келинглар, ўртоқлар, халқнинг ана шу овозига, даврнинг овозига қулоқ солайлик.

Кўпгина нутқларда барча кулфатлар учун қайта қуриш айбдор, деган яширин фикрни илғаб олдим. Баъзи бировларнинг нутқида ҳатто эски даврларни, эски иш усулларини қўмсаш ҳам сезилди. Мен буни район, шаҳар партия комитетларининг котиблари билан учрашувдаги нутқларда ҳам сездим. Учрашув яхши, самарали бўлди, айтишим мумкинки, биз яхши гаплашиб олдик. У ерда партия, жамият ҳаёти учун ғоят муҳим масалалар ўткир қилиб қўйилди.

Лекин Бош котибни у ўз сиёсати билан бошқа томонга етакламоқда, бундай ташқи сиёсат бизга керак эмас, деб айбловчи ўртоқлар ҳам топилди. Мен бу айбларни рад этдим. Шуни айтишим керакки, агар қайта қуриш бирор нарсада айбдор бўлса, у ҳам бўлса, етарли даражада изчиллик ва қатъият билан ўтказилмаганлиги учун айбдордир. Айтмоқчи, бу марказдаги ва жойлардаги кадрларнинг позицияси билан боғлиқ. Шу сабабли ана шу позицияни ўзгартирайлик, қайта қуриш жараёнини олға силжитайлик. Ана ўшанда ўзгаришлар тезроқ юз беради, бинобарин, биз тезроқ натижага эришамиз, буни бутун халқ сезади. Қайта қуришни, иқтисодиётни, ижтимоий соҳани, сиёсий системани, кўп миллатли давлатимизни ўзгартириш юзасидан биз қилаётган барча ишларни қатъият ва собитқадамлик билан давом эттиришдан бошқа йўлни кўрмаяпман.

Келинглар, ўртоқлар, ишлайлик, биз қайта қуришнинг энг масъулиятли босқичига қадам қўйдик, катта ислоҳотлар бизни кутмоқда. **(Қарсаклар).**

ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАР ИШИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ.
Ҳар ойда икки марта чиқади.
«Тошкент оқшоми» нашри.

Маҳалладош

Июль 1990 йил,
№ 13 (26)

Депутат нуқтаи назари

ФАОЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Атрофимизда рўй бераётган воқеалар, давра суҳбатларининг мазмуни, учрашувлар чоғида билдирилаётган фикрлардан бир муҳим жиҳатни англаб олиш қийин эмас. Ҳозир одамлар ўзлари ишонч билдириб сайлаган депутатларга кўз тикиб туришибди. Аниқроғи, турмушдаги қийинчликлар ва муаммоларнинг бартараф этилишида асосий умидлари бизлан.

Бизнинг «Янгариқ» маҳалламизда 700 хонадонда 1000 дан знёд оила яшайди. 3 та озиқ-овқат дўкони, 2 та поликлиника (филиали), 3 та болалар боғчаси, 2 та томошагоҳ, 2 та рўзномалар дўкони аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Хонадонларнинг деярли барчасида телефон бор, эндиликда уй-ҳаммоми, ичимлик суви билан таъминланмоқда. Кўчаларнинг четидаги ариқларга бетон новлар ётқизилди. Бундай бунёдкорлик ва ободончилик ишлари йиллар давомида амалга ошириб келинаяпти.

Менга пойтахт районларидаги маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи кенгашлар ишини такомиллаштиришда яқиндан кўмаклашиш, маҳаллалар ўртасида мусобақа уюштириш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, йирик жамоаларда ҳуқуқий дорилфунунлар ташкил этиш вазифаси юклатилган. Адолат юзасидан ҳали амалга оширилишини кутиб турган кўплаб муаммолар борлигини айтиб ўтмоқчиман.

Киров райони шаҳардаги энг намунали жамоалардан бири бўлиш учун курашмоқда. Райижроқўм томонидан «Маҳалла» дастури бўйича 1995 йилгача барча маҳаллаларда бунёд этиладиган ижтимоий-маиший объектлар режалаштириб чиқилган. Район маҳаллалари оқсоқолларининг Мурожаати шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш Кенгаши томонидан маъқулланиб, «Маҳалладош» газетасида эълон қилинди. Шундан сўнг шаҳардаги барча маҳалла қўмиталари бу ҳужжатда билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни муҳокама қилиб, ўз фаолиятларига жорий қилдилар.

Маҳалла ҳақидаги Низом лойиҳаси Кенгаш аъзолари томонидан қизғин қарши олинди. Билдирилган фикрлар ва ўзгартишлар билан уни халқ муҳокамасига қўйдик. Ҳозир маҳаллалар ўртасида мусобақа уюштириш бўйича Низом ва унинг шартлари устида бош қотираяпмиз. Шу ўринда бу тадбир бизнинг районда яхши натижа бераётганини таъкидлашни истардим. Барча маҳаллалар ўзаро мусобақадош. Масалан, «Янгариқ» ва Жомий, 1 ва 2-Отчопар, 1 ва 2-Кисловодск кўчалари... Маҳалла ҳудудини озода тутган, кўплаб мевали дарахтлар етиштирган, тўй ва маъракаларни нэчамлаштиришга эришган, ўзаро ҳамжиҳат яшаётган жамоалар райижроқўм томонидан Фахрий ёрлиқ билан мукофотланади. Қўқон ва Наманганда бўлганимда маҳаллалар иши билан қизиққан эдим. Бу жойларда сиёсий марказлар ташкил этилган бўлиб, маданий-оқартув ишлари яхши йўлга қўйилган экан. Мусобақа шартларини тўлиқ бажарган маҳаллалар 300-400 сўмгача пул билан мукофотланади. Биз ҳам ана шундай моддий рағбатлантиришни ўзимизда қўлласак айни муддао бўларди.

Советларнинг обрўси депутатларнинг фаолиятига боғлиқ эканлиги сир эмас. Шундай экан, гапдан амалий ишга ўтиш пайти келди. Ҳар бир депутат вақти-вақти билан ўз фаолиятига бир назар ташлаб олсин.

К. КОМИЛОВ,
Киров районидаги «Янгариқ» маҳалла қўмитасининг раиси, Тошкент шаҳар маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши аъзоси.

⊙ «Шарқ гули» бадиий буюмлар фабрикасида 21 йилдан бери меҳнат қилаётган Мавлуда Дадамуҳамедова касб сирларини пухта эгаллаб олган. Моҳир ишчи тайёрлаётган зарпеч, палак ва бошқа жиҳозлар хонадонларимиз кўркига кўрк қўшаяпти.
СУРАТДА: М. Дадамуҳамедова.

Х. Мирзакаримов сурати.

Ўрнак олса арзийди **ҚЎМИТАДА**

ҚАРИЯЛАР КЕНГАШИ

Маҳалламиз Калинин районидан шаҳар ҳудудига ўтгандан кейин ободончилик ишлари жонланиб қолди. Қисқа вақт ичида бир неча кўчаларни асфальтлаб, баъзиларини тунги ёриттичлар билан таъминлашга эришдик. Илгари «Қўрғонтепа» участкаси чеккароқда бўлиб, унга борадиган йўл ёзда чанг, қишда лой босиб ётар, транспортнинг юриши қийин эди. Фаолларнинг талаби билан район ободонлаштириш бошқармаси томонидан бу жой ҳам кўнгилдагидек қилиб созланди.

Кейинги пайтдаги ўзгаришлар ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Айниқса уруш ва меҳнат кексалари доимий эътиборимизда. Афғонистонда байналмилал бурчини адо этаётганда мардларча ҳалок бўлган маҳалладошимиз Раҳматулла Эримбетовнинг номини абадийлаштириш мақсадида бир кўчани унинг номи билан аташга қарор қилдик. Хонадонларга табиий газ, телефон киритиш, ночор оилаларга ёрдам кўрсатишга астойдил ҳаракат қилаяпмиз.

Шунисн диққатга сазоворки, бу хайрли ишларни амалга оширишда бизга қўмита қошида фаолият кўрсатаётган қариялар Кенгаши яқиндан ёрдам бермоқда. Мазкур жамоага кўп йил партия ва Совет ташкилотларида раҳбар бўлиб ишлаб келган, шахсий пенсионер Адамбек Ҳайдаров раҳбарлик қилаяпти. Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни ўтказилаётган йиғилишларда қилинган ишларга якун ясалиб, келгуси режалар келишиб олинади. Кенгаш аъзоларидан Жолан Акмурзаев, Абдуқодир Аширматов, Тўлаган Турдиалиев, Холиқ Раҳматов ва бошқалар доно маслаҳатлари, йўл-йўриқлари, қолаверса куч-гайратлари билан қўмита фаолларига ўрнак кўрсатмоқдалар. Маҳалламизда ҳали қилинадиган ишлар, муаммолар талайгина.

Қариялар Кенгаши қўмита йиғилишида районда маҳалла, уй қўмиталари, уруш ва меҳнат кексалари, шунингдек жамоатчилик ишлари бўйича доимий комиссия тузиш мақсадга мувофиқлигини билдирди. Ҳақиқатан ҳам маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммоларни ечишда муҳим ўрин тутадиган бу омил ҳақида ўйлаб кўрса бўлади.

А. РИСБАКОВ,
Сергели районидаги «Қипчоқ» маҳалла қўмитасининг раиси.

Хушхабарлар

ҚУШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИ

ФАЙЗУЛЛА Маннопов номзоди С. Раҳимов район ва шаҳар Совети депутатлигига кўрсатилаётганда сайловчилар бир қанча наказлар беришган эди. Эндиликда халқ ишончини астойдил оқлаётган депутат бошчилигида «Омонат» проездидаги бир километрдан ортиқ кўча асфальтланди. Сағбон кўчасидаги 36-мактаб бошқа жойга кўчгач Ф. Маннопов райижроқўм қарори билан бўшаган бинони ўзи раҳбарлик қилаётган Тошкентдаги бадиий буюмлар ихтирочилик бюросининг бўлимига айлантирди. Ҳозир «Иттифоқ», «Октябрь 40 йиллиги» маҳаллаларида яшаётган ёш болали аёллар, хотин-қизлардан 90 нафари шу жойда жизмат қилмоқдалар.

Ф. НУРИДДИНОВ,
«Октябрь 40 йиллиги» маҳалла қўмитасининг аъзоси.

ЁШУ ҚАРИ ҚАТНАШДИ

УСМОН Юсупов маҳалласи аҳли А. Икромов районидаги фаол жамоалардан бири . ҳисобланади. Яқинда «Ваққос ота» қабристонида уюштирилган ҳашар фикримизнинг ёрқин далилидир. Маҳалла қўмитасининг раиси А. Одилов бу тадбирда деярли барча хонадонлардан ёшу қарилар иштирок этишганини таъкидлади. Ҳашарчилар қабристон ҳудудини бегона ўтлардан тозалаб, ўриндиқлар ўрнатдилар.

М. АКРОМОВА,
хизматчи.

ТУЙ-ҲАШАМЛАР УЧУН

МАҲАЛЛАЛАРДАГИ имкониятлар «7-Сергели» даҳасида ҳам яратилмоқда. Аҳоли кучи билан отахонлар чойхонаси ва томошагоҳ фойдаланишга тахт қилиб қўйилди.

— Энди тўй-маъракалар шу ерда ўтказилади, — деди даҳада истиқомат қилувчи меҳнат кексаси Абдуолим ота Исҳоқов. — Биз қозон, товоқ ва бошқа зарур асбоб-анжомларни ҳозирлаб қўйдик.

Шунисн қувончлики, Сергели район савдо бошқармаси болаларга мўлжалланган сут маҳсулотлари ошхонасини ҳам совға қилди.

Д. МУРОДОВ.

Саристалик остонадан бошланади

Тонг саҳарда маҳаллаларда бўлсангиз келин-қизлар хонадонлар олдини чиннидек супуриб, кўчаларга сув сепишаётганини кўрасиз. Уйимиз, остонамизни озода, сариста сақлаш Октябрь районидаги «Илғор» маҳалласига ҳам хос одат. Бу маскандаги ободончилик, кишилар ҳамжиҳатлиги кишини қувонтиради.

Ҳозир жамоанинг ўз маъмурий маркази: қўмита идораси, мажлис ўтказиш, ўртоқлик суди кенгашиб олишига мўлжалланган алоҳида хоналар бор. Чойхона, почта, 400 ўринли томошагоҳ ҳашар йўли билан қурилган. Маҳалла қўмитасининг ташаббуси, ишбилармонлиги доимо сезилиб турада.

— Оз бўлмаса унутилаёзган удумларимизнинг тикланаётгани дилларга қувонч келтирмоқда, — деди маҳалла фаоли Содиқ ака Муҳсимов. — Яқинда бир хонадонимизда бешик тўйи ўтказдик. Инсон туғилгани, маҳалланинг янги аъзоси дунёга келганини байрам қилиш ўзига хос миллий одат. Шу куни карнай-сурнай наволари билан оилага оламолам шодлик, бахт-саодат кириб келади.

С. БОЗОРБОЕВ.

СУРАТДА: «Илғор» маҳалласи кўчаларидан бирида эрта тонг пайти.

Ф. Қурбонбоев
(ЎзТАГ сурати).

«Маҳалладош»—маҳалла—«Маҳалладош»

Турмуш ташвишлари

Дазмол кўпаядими?

⊙ Мен пойтахтдаги савдо дўконларини қидириб дазмол топа олмадим. Турмушимизни бу буюмсиз тасаввур этиш қийин. Наҳотки Тошкентдаги қатор электр асбоблари заводларида дазмол ишлаб чиқарилмайди!

Дилфуза ХОЛМУРОВА,
С. Раҳимов районидаги Абдураҳмонов кўчасида яшовчи уй бекаси.

Муштариймизнинг хатига жавоб олиш мақсадида Ўрта Осиё электр жиҳозлари ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ истеъмоли буюмлари бўлими бошлиғи В. Седовга мурожаат қилдик.

— Валерий Маркович, кейинги пайтларда юқоридаги каби куюнчаклик билан ёзилган мактубларни тез-тез оламиз. Ҳақиқатан ҳам уйрўзғор буюмларини топиш мушкул бўлиб қолди. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Шуни айтишим мумкинки, жамоамиз бу йил 12 миллион сўмлик кенг истеъмол буюмлари тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бугунги кунда савдо пештахталарига юборилгани 6 миллион сўмликдан ошди.

— Дазмол хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Бу масала албатта ҳал қилинади. Зарур эҳтиёт қисмлар етказиб беришда узилиш бўлгани туфайли дазмол ишлаб чиқариш қийин аҳволга тушиб қолган. Биз Кемерово электротехника заводи билан шартнома имзоладик. Ҳамкорликда бирлашмамизнинг Андижон вилоятидаги заводида янги йилдан бошлаб дазмол ишлаб чиқарилади.

— Дазмолни Тошкентда, яъни сизларнинг корхонангизда тайёрлаш имконияти борми?

— Ҳозирча йўқ, чунки жойимиз тор. Лекин яқин келажакда бу зарур буюмни Тошкент маркази билан чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз.

Д. ОБЛАЕВ.

Хайрия

ЎКСИМА, МИРФОЗИЛ

Улуғбек маҳалласига йўлингиз тушса қўлтиқтаёқда бирор ёққа кетаётган ёки тенгқурларининг копток ўйнашини томоша қилиб ўтирган болага кўзингиз тушиши мумкин. Бу — Мирфозил. Энди 14 ёшга кирган ўспиринларнинг нигоҳи ўйчан, кишига мунгли боқади. Уҳам ўртоқларидек елиб-югуришни, мазза қилиб чўмилишни, шаҳардаги боғларга сайр қилишни орзу қилади. Аммо болажон қўлтиқтаёқсиз юролмайди, тақдир зарбаси, аниқроғи, катталарнинг масъулиятсизлиги туфайли ногирон бўлиб қолган.

Бу аянчли воқеа бундан олти йил илгари содир бўлди. Биринчи синфда таълим олаётган Мирфозил синфдошлари билан шундоққина мактаб ҳудудига ўрнатилган юқори кучланишли электр нури тақсимлагич олдига бориб қолади. Бола-да, очиқ симларни ўйнамоқчи бўлганида ўт чиқиб, аланга ичида қолади. Уни бир амаллаб қутқариб оладилар. Аммо шифохонада Мирфозилнинг чап оёғи ва ўнг қўлини кесишади. Шундан бери у тортган азоб-уқубатлар, отаонанинг изтиробларини сўз билан ифодалаш қийин. Мирфозил ҳозир Киров районидаги 51-мактабнинг 8-синфида таълим олмоқда. Дарсларга қўлтиқтаёқда боради.

— Иккита бармоқ билан ёзишни ўрганиб олдим, — деди у биз билан суҳбат пайтида. — Ўртоқларим меҳрибон, қўлларидан келган ёрдамни аяшмайди. Ёзги таътилда шаҳар пионерлар саройининг наққошлик тўгарагига қатнашаяпман. Ўйда зериксам вақтимни нақш чизиш билан ўтказаман. Менга нафақа тайинлашган.

Мирфозилнинг қатъиятли сўзларини тинглар эканман, кишининг эътиқоди мустаҳкам бўлса ҳаётдаги ҳар қандай қийинчиликларни енгиб олиши мумкин экан, деб ўйлайман. Тан олиш керак, туғма ёки бирор сабаб билан ногирон бўлиб қолган маҳалладошларимизнинг ҳолидан етарли хабар олмаяпмиз. Шубҳасиз, Мирфозил вояга етгач, ўз ҳаёт йўлини топиб кетади. Аммо кишининг бошига ташвиш тушганда хабар олиш, зарур бўлса ёрдам бериш ўзбек миллатига хос одат эмасми? Мен ушбу мақоланинг қалам ҳақини Киров район, Носиров кўчаси, 2-проезд, 38-уйда яшаётган Мирфозил Каримов номига ўтказилишини таҳририятдан илтимос қиламан.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Маданият жамғармаси матбуот шўъбасининг мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Куюнчак муаллифимиз кўтарган мавзу долзарб, ҳар бир кишини чуқур ўйлаб кўришга даъват этади. Зеро, билдирилган фикрлар пойтахт маҳаллаларида истиқомат қилаётган ногиронлар маънавий руҳини кўтариш, ўртамиздаги меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шундай эмасми, азиз муштарийлар? Мактубларингизни кутамиз.

⊙ Октябрь районидаги Маннон Уйғур маҳалла ҳотин-қизлар кенгашининг аъзолари аёлларга ғамхўрлик қилиб, яхши турмуш кечиришлари учун қайғуришмоқда.
СУРАТДА: кенгаш раиси Д. Тожибоева маҳалла фаолларига ўз режалари ҳақида гапириб бераяпти.

Х. Мирзакаримов сурати.

Ташаббус

Доира чалишни ўргатмоқчиман

Халқимиз орасидан етишиб чиққан устоз санъаткорлар талайгина. Меҳнат Қаҳрамони, машҳур доирачи Уста Олим Комилов ўз маҳоратини кўплаб шогирдларига мерос қолдирди.

Мен ҳам доира усулларини мукаммал биламан. Фарзандларим баъзан машқ қилиб туришади. Мақсадим, бошқа ёшлар ҳам ҳунаримдан баҳраманд бўлишсин. Ҳозир бадиий тўгаракларнинг асосий қисми ширкатларда, пулли бўлиб кетган. Айрим оилаларнинг моддий томондан кучи етмаслиги мумкин. Рост-да, бир хонадондан 3-4 бола тўгаракка қатнашаман, пул беринг, деб туришса, ота-она арзимаган маошини қайси бирига етказади. Шу боис мен ўзим истиқомат қилаётган С. Раҳимов районидаги истаган маҳаллада доира сирларини ўргаимоқчи ёшлар бўлса бепул сабоқ бермоқчиман. Фақат бўш вақтимга қараб бирор кунни белгилаб олишимиз лозим.

Марҳамат, мурожаат қилаверинг.

А. ТОЛИПОВ.

Бизга мактуб йўллабсиз

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ СЎЗЛАР

Рўзнома хатлар қутисидан олинаётган хат-хабарлар чоп этилаётган мақолаларнинг аксариятини ташкил этмоқда, десак хато бўлмайди. Агар кузатиб бораётган бўлсангиз, сиз, азиз муштарийларни қизиқтираётган масалалар, ўйлантираётган муаммолар, ҳаётимизда рўй бераётган ўзгаришларни ёритишга кенг ўрин бериляпти.

Хат — ҳаёт кўзгуси. Номалар мазмуни билан танишар эканмиз, жойларда дўстлик, аҳиллик барқарорлашаётгани, қўмиталар фаоллиги туфайли турмушимиз яхшиланиб бораётгани, одамлар бахтиёр яшашга интилишаётганини билиб олиш мумкин. Аммо шунга қарамай ижтимоий соҳада ҳали талайгина камчиликлар, ғашга тегаётган нуқсонлар борлигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Бу бежиз эмас, албатта. Муаммолар йиллар давомида тўпланди, энди, қайта қуриш, ошкоралик туфайли дилимиздан тилимизга чиқмоқда.

Мактубларга кўз югуртирамиз. «Ота мозор» қабристони йиллар давомида обод бўлиб, дов-дарахтларга бурканди. Ҳозир бу ерда 12 та маҳаллада яшаётган оилаларнинг ҳар бири ўз ҳилхонасига эга, — деб ёзади Ҳамза районидаги Янгиобод даҳаси аҳолиси номидан Н. Ҳасанов, — Афсуски, авлод-аждодларимизнинг ҳоки, табаррук номи сақланаётган зиёратгоҳни нохўш бир манзара бузиб турибди. Бир томонда сукунат қуйнига чўмган ҳилхона, шундоқ ёнидаги бетон девор орқасида эса чўчқахона. Ҳа, ажабланманг, чўчқахона. Мана, ўн йиллардан бери жониворларнинг «хир-хири» ота-боболаримиз руҳига тинчлик бермаяпти. Кун чиқардан сал шаббода эсса чўчқахонанинг қўланса ҳиди бутун Янгиобод даҳасини босиб кетади. Туркистон ҳарбий округига қарашли бу жониворлар ишратхонасини четроқ жойга кўчириш масаласи аллақачон етилган деб ҳисоблаймиз».

Мана бу хат ҳам эътиборга лойиқ. «Кўкалдош» мадрасасининг орқа томонида бўй чўзиб турган жомеъ масжиди беш асрлик тарихга эга. Шу жой инқилобдан сўнг, 1943 йилгача Свердлов номли 41-ўрта мактаб бинои эди. Кейинчалик «Қизил олов» артели кўчиб келди. «Ўша кезларда мактаб ховлиси боғ, гулзор бўлган, десам кўпчиликнинг ишонмаслиги табиий, — деб ёзади 41-мактабнинг собиқ ўқувчиси, Тошкент шаҳрининг Бунёдкор кўчасида яшовчи Мухтор Исмоилов. — Шундай тепаликка сув чиққанини тасаввур этиш қийин. Билим даргоҳи доимо озода, сувлар сепилган, аллақандай файзли эди. Осмонни тўлдириб қалдирғочлар учиб юрар, ғумбаз ғиштлари орасига жуда кўп ин қўйиб, шу ерда кўпайишарди. Талабаларнинг энг сўнггилари мен ҳам 60 ёшдан ошдим. Баъзан фарзандларимни олиб бориб, ўқиган мактабимни кўрсатаман. Ғапириб берсам улар ҳайрон қолишади. Ўша вақтдаги файз билан ҳозирги ранж тафовутини тасаввур қилолмайдилар. Болалар-ку майли, тарихий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асрашга мутасадди бўлган ўртоқлар ҳам бунинг фарқига боришмаса керак».

Аччиқ, аммо сабоқли сўзлар, шундай эмасми? Ҳозир шундай даврда яшаяпмизки, одамлар теварак-атрофда рўй бераётган воқеаларга бефарқ эмас. «Дарди» аввалгидек ичида қолиб кетмайди. Кўнгилларидаги гапларни очиқ-ойдин тўкиб солишаяпти. Ҳаётимизда катта ўзгаришлар рўй бераётгани шундан бўлса ажаб эмас.

Мана, қўлимизда яна бир мактуб. Уни Чилонзор даҳасида яшовчи Фозилжон Орипов йўллаган. Бу киши маданият ходими бўлгани учун одамлар истиқомат қилаётган жой гўзал ва обод бўлишини хоҳлайди. Куюнчак муштариймиз бугал Бешёғоч даҳасидаги баъзи ноҳуш манзаралар ҳақида фикр юритган. «Қурувчиларга ҳам ҳайрон қоламан, — деб бошлабди у мактубини. — Ер ости ишларидан сўнг кўчани асл ҳолига келтирмай, ташлаб кетишади. Даҳада ҳам шундай вазият юзага келиб, аксарият холларда автомобиллар тўхтаб қолаяпти».

Рўзномамизга С. Раҳимов районидаги «Пахта» маҳалласида истиқомат қилувчи А. Яминовдан келган хатнинг мазмуни ҳам юқоридагига ўхшаш. «Оқтепа» даҳасининг Титов маҳалласидан пенсионер Еқубов эса кўплаб хонадонлардаги дов-дарахтлар сув йўқлигидан қуриб қолаётгани, уларни водопровод суви билан суғоришга мажбур бўлишаётгани ҳақида ёзиб юборган.

С. ШОДИЕВ.

Акс садо

«ЧЎЯН ИДИШ МУАММОСИ»

Ҳурматли таҳририят! Мен «Маҳалладош»нинг ҳар бир сонини ўқийман. Рўзнома камчилик ва муаммоларимизни ҳал қилишга яқиндан ёрдам беряпти. Масалан, шу йил 31 май сонида чўян идиш муаммоси кўтарилиб ниҳоятда тўғри қилинган.

Бизнинг вилоятда ҳам қайси магазинга кирсангиз алюмин қозон, Оқ ёғни доғ қилганда четлари дарҳол қораяди.

Мен неча йиллардан бери бўғилиб юрдим, чўян қозон дардида. Кўплаб магазинлардан қидириб топа олмадим. Минг афсуски, ҳали-бери савдога чиқмайдиганга ўхшайди. Чунки мутасадди раҳбарлардан бири Ю. Ханкернинг жавоби буни яққол кўрсатиб турибди.

Бир нарсага ҳайронман. Нима учун халқнинг талаби инобатга олинмайди. Чўян қозон ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш керак, вассалом!

Исоқжон ЗОҲИРОВ,
Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳридаги атлас фабрикасининг ишчиси.

«ҚОРОВУЛ КЕРАКМИ?»

Керак. Тўғри-да, маҳалла аҳли тинч, хотиржам ухлаб, эртасига янада унумлироқ ишлаши учун қоровул тунда кўчаларни кезиб, осойишталикни таъминлашини ким хоҳламайди, дейсиз. Шу маънода «Маҳалладош»да (июнь, 12-сон) юқоридаги сарлавҳа остида долзарб масала кўтариб чиқилган.

Чирчиқ шаҳрида тунда милиция ходимларига ҳамроҳ бўлган кўнгилли ёшлар ўз итларини ҳам етаклаб оларканлар. Улардан ўрнак олса арзийди. Қоровул ва навбатчилар ёнларида фонарь, соат, содир бўлган воқеани қайд этиш учун ручка ва ён дафтарча олиб юрганлари маъқул.

Яна бир масала. Кундан-кунга маҳаллаларда аҳоли сони кўпайиб бораяпти. Шундай экан қоровуллар сони иложи бўлса икки-уч кишидан иборат бўлиши лозим.

Мақоладаги «Бирор маҳкамага бириктириб қўйилмаса, қонунчилар гап-сўз қилса керак», деган ибора юзасидан бирор фикр айтишга ожизман. Аммо хўжалик ҳисоби кенг қулоч ёзаётган ҳозирги даврда хонадонлар пул йиғиб беришса қонунга хилоф бўлмас.

Маҳалла фонди бор жойларда эса штат очилиши мақсадга мувофиқдир.

Маҳкам ҲАКИМОВ,
меҳнат кексаси.

Пирў бадавлатларимиз

Башорат ая хонадони

Чилонзор районининг Домбрабод маҳалласига жойлашган Гавҳар кўчасида 90 баҳорни қаршилаган Башорат ая истиқомат қилади. Унинг 4 ўғли ва 4 қизи, 45 нафар неваралари бор. Башорат Назарова невара ва чевералари даврасида бахтиёр ҳаёт кечирмоқда.

Айниқса, у ўз фарзандлари ва келинларидан мамнун. Улар орасида ишчи ҳам, раҳбар ходим ҳам, ижодкор ҳам, борингки хўжалик ходими ҳам бор.

Ая учун ҳаммаси бирдай азиз. Ҳозир у ўғли Абдурашид Қорабоев билан бирга туради. «Қари бор уйнинг зари бор», деганларидек у яшаётган хонадон гўё меҳригиёси бордай одамларни ўзига тортиб туради. Кўпчилик келиб ундан угитнасиҳатлар олишади.

Б. АДАМБОЕВ.

СУРАТДА: Башорат ая ўз фарзандлари даврасида.

Муаллиф сурати.

Умрбоқий меросимиз

ДОНҚОВОҚ

Ёзнинг жазирама кунларидан бири. Қишлоқдаги танишимникига меҳмонга боргандим. Роса чанқаб, яхна чой сўрасам, уй бекаси бир коса айрон келтирди. Шимириб, ҳузур қилгач чанқоғим таққа қолди.

— Кувда пишган. Донқовоққа қуйиб, салқин жойда сақлаймиз. Яна ичасизми? — деди мезбон.

— Майли, озгина...

Бу сафар танишимнинг ўзи уйга кириб кетди-да, бироздан сўнг катталиги тарвуздек, қирмизи тусли донқовоқни кўтариб чиқди. Табиат мўъжизасида худди челакники каби чилвирдан қилинган банд бор эди.

— Ўзим ҳам чанқабман. — деди мезбон айрондан икки косага тенг бўлиб қуйиб. — Келинингиз, кувда пишириб, яна тўлдириб қўяверади.



Донқовоқдан кўзимин узмасдим. Шеригим деди:

— Мунча тикиласиз? Бу бизга ўхшаш қишлоқ одамларининг шунчаки, арзимас уй-рўзғор буюми-ку.

— Жуда ажойиб экан, — деб танишимнинг ёнида турган донқовоқни қўлимга олдим. Уни томоша қилган сарим, еп-енгиллиги, табиий ранглари ёруғда товланиши ҳавасимни келтирарди. Мезбон ҳайратланаётганимни кўриб, унинг таърифини келтира бошлади:

— Фақат айрон, қатиқ эмас, гўжа ҳам солиб, атайлаб ачитиб ичамиз. Танга шифо, саратонда кишини сира офтоб урмайди, чанқатмайди.

Донқовоқ вақт ўтиши билан ўзида турфа ранг ҳосил қилиши мени ажаблантирди. Кичикроқ, ихчамгина сариқ тусли эса туздон вазифасини бажараркан. Ажойиб меросимизнинг қадрига етиб, айрим хонадон эгалари рўзғорда ундан фойдаланиб келишаётганини билгач кўнглим тоғдек кўтарилди.

Томошақовоқ, носқовоқлар қадимдан кўпчиликни ҳайратлантириб келган бўлса, донқовоқ ҳам ўзига хос нафосатга эга. Маълумотларга қараганда у ибтидоий рўзғор буюмларидан ҳисобланади. Дон-дунларни тоза сақлаб келаётгани учун шундай ном олган.

Кейинги пайтда маданий меросимизга эътибор бироз сусайгани учун тилга олинмай, кўпинча беданақовоқ деб юритилаяпти. Шу боис биз, катталар бундан буёнги авлодлар донқовоқни эсларидан чиқариб юборишса-я, деган ташвишдамиз. Тўғри, турли хил замонавий буюмлар чиқарилаяпти. Аммо табиат ўзи кашф этган бу ноёб, рўзғорбоп донқовоқни унутиб бўладими?

М. ШОЕҚУБОВА,
Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг ишчиси.

СУРАТДА: донқовоқ мусаввир тасвирида.

Рўзғорда асқотади

«1000 хил роҳатбахш ичимлик»

Нок, олма, олхўрининг ўзидан 6 хилдан компот тайёрлашни биласизми? Агар билмасангиз шу йил «Меҳнат» нашриёти томонидан чоп этилган «1000 хил роҳатбахш ичимлик» деб номланган китобчани сотиб олинг. Муаллиф И. А. Богдановнинг кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу рисоласида уй шароитида компотлар, морслар, кваслар каби алкоголсиз ичимликлар тайёрлашнинг рецептлари берилган.

Қуйида китобчадаги айрим компотларнинг турларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

Янги ўрик ёки олхўридан

Ўрик ёки олхўри (тоғолча)ни сувда ювиб, узунасига ажратилади-да, данаклари олинади. Кастрюлькага шакар солиб, икки стакан иссиқ сув қуйилади, яхшилаб аралаштирилиб, ичига мева солинади ва қайнатилади.

500 грамм ўрик ёки олхўрига — 3/4 стакан шакар.

Янги шафтолидан

Ювилган шафтоли қайнаган сувга солинади. 2-3 минутдан кейин шафтолини олиб пўсти тозаланади ва мевалар иккига бўлиниб, данаги олиб ташланади. Кастрюлькага шакар солиниб, устидан икки стакан қайноқ сув қуйилади, аралаштириб, ичига шафтоли солингач қайнатиб олинади. Кейин кастрюлька оловдан олинади ва кўнгил истаса компотга ванилин қўшилади.

500 грамм шафтолига — 3/4 стакан шакар.

Халқ табобати

УЙҚУ—ЎРИН ТАНЛАМАЙДИ

Одам уйқу билан тирик. Бир донишманд: «Уйқу—табиат малҳами» деб бежиз айтмаган. Халқимиз уйқуни таърифлаб: «Тиниқиб ухладим», «Шу кеча уйқуга тўйдим», «Уйқум — қуш уйқуси бўлиб қолган», «Ёстиққа бош қўйишим билан донг қотаман», «Чарчаб озгина мизғиб олибман», «Уйқу—ўрин танламайди», каби ибораларни яратишган.

Ҳар бир одам ўз ўрнини — ухлайдиган кўрпа-тўшагини ҳолатига мослаб ётади (кимдир қалин, кимдир юпқа, кимдир баланд, кимдир паст ёстиқда ором олишни ёқтиради). Уйқу пайтида ҳар ким ҳар хил ҳолатда, масалан ўнг ёки чап ёнбошда, чалқанча ёки қорнини ерга берган вазиятда ётади. Шу ўринда халқимизнинг бир иборасини келтирамиз. Жаҳли чиқиб турган одамнинг ҳолатини кўриб: «Нима бало, бугун чап томони билан турганми?» дейилади. Бу гапда жон бор. Одам уйқудан чап томонни босиб ётиб, ўнг томони билан туриши соғломлик аломати ҳисобланади. Чалқанча ётилганда овқат ҳазм бўлиши, қон айланиши, нафас олиш яхши бўлмайди. Хуррак авжига чиқади. Мана шундай пайтда қариялар чалқанча ётган одамнинг безовта бўлаётганини сезиб: «Ҳай, фалончи, ёнбошлаб ёт», деб қўйишади.

Ҳар доим чалқанча ётишнинг зиён эканлиги, киши қариганда сакта (паралич) бўлиб қолишини ҳозирги замон тиббиёти ҳам таъкидлайди.

Сиҳат-саломатлик кўтаришига қараб ёнбошлаб, гоҳо қорнини ерга бериб ётиш фойдали. Кечки овқатдан сўнг отаоналар кўча айланишни, болалар бир дам ўйнаб келиши уйқуга замин бўлади. Кечқурун бир пиёла илиқ сут ёки қатиқ ичиб уйқуга ётиш ҳам қадимий одатимиз ҳисобланади.

ҚАБЗИЯТ БЎЛГАНДА...

Қабзият (ич қотиш) юз берганда киши қийналади, бош оғрийди, уйқу нотинч бўлади, эт увишиб, бош айланади ва ҳоказо. Халқ табобатида, ҳакиму ҳозиқлар тадбирида узоқ умр кўриш учун йилда ва ҳар ойда бир марта сурги қилиниши алоҳида таъкидланган. Ични мулойим қилишда сабзавотлардан қовоқ, карам, шолғом, сабзи, бодринг, лавлаги, ҳўл мевалардан олхўри, ўрик, нок, олма кабилар яхши наф беради.

Турли мевалардан, айниқса олча, олхўри ва ўриқдан тайёрланган шарбатлар ични равонлаштиради. Янги ивитилган қатиқ ва янги соғилган сут ҳам қабзиятга яхши даво бўлади.

Халқ табобатида ва она заминимизда шундай сархил неъматлардан шифобахш муолажа қилиш мумкин экан, сунъий тайёрланган пурген, изафенин, инглиз тузи каби дориларни ичиб, аъзои-танни уларга кўниктириб қўймаслик керак.

ПОКЛИК БОР ЖОЙДА СОҒЛИҚ БОР

Поклик ва тозалик азалдан халқимизнинг яхши одати ҳисобланади. Бунда асосан қуйидагиларга алоҳида эътибор берилади.

⊙ Одам ҳар куни 3-4 марта юз-қўлини, оёқларини ювади. Айниқса, овқатдан олдин ва кейин қўлни совунлаб ювиш, тоза сочиққа артиш керак.

⊙ Бадандаги ортиқча мўй-тукларни, қўл-оёқ тирноқларини вақтида олиш, пок кийиниш, тишларни ҳар куни мисвоқ (тиш чўтка) билан тозалаш яхши одат ҳисобланади.

⊙ Овқатланиш хонаси ва емак асбоб-анжомларини ораста, саранжом ва тоза сақлаш лозим.

⊙ Идиш-товоқ ва қозонни овқатланиб бўлгач тезда ювиб, озода қилиб қўйиш керак. Уларга зарарли ҳашарот ва майда жониворлар тушмаслиги учун қозон усти ёпилиб, баъзи идиш-товоқлар тўнкариб қўйилади.

⊙ Маҳалла-кўйларда кўча эшик атрофини, йўлак ва ҳовлиларни сув сепиб, чинни-чироқ қилиб, ёғ тушса ялагудек тозалаб қўйиш одати бор. Бу — яхши фазилат. Озода жойга пашша, чивин каби зарарли ҳашаротлар деярли йўламайди.

Ҳаким ЗАМОНИЙ.

Марҳамат, сўрайверинг

В. КОМИЛОВ: Отамнинг вафотидан сўнг уйимиз мерос сифатида менга ўтказилди. Нотариал идораси орқали расмийлаштиранимда номимда иккита уй бўлиб қолди. Иккинси ҳам номимда тураверса бўладими!

Жавоб: Фуқароларнинг шахсий эгалигида битта уй-жой (ёки уйнинг бир қисми) бўлиши мумкин.

Узбекистон ССР фуқаролик мажмуасининг 121-моддасида биттадан ортиқ уй-жойга эга бўлган шахсий мулк ҳуқуқининг бекор қилиниш тартиби белгилаб берилган. Агар фуқаронинг шахсий мулкида ёки бирга турувчи эр-хотин ҳамда уларнинг вояга етмаган болалари ихтиёрида қонун йўл қўйган асослар бўйича уй-жой биттадан ортиқ бўлиб қолса, уй эгаси улардан бирини ўз ихтиёрида қолдиришга ҳақлидир. Бошқасини эса шу уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб бир йил давомида сотиши, ҳадя қилиши ёки бошқа усул билан бировга ўтказиши зарур. Борди-ю кўрсатилган муддатда қайси тарзда бўлмасин бировга ўтказмаса, бу уй-жой халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетининг қарори билан мажбурий тарзда сотилади. Тушган маблағ эса сотиш билан боғлиқ харажатлар қоплангандан кейин уй-жойнинг собиқ эгасига топширилади. Агар харидор топилмай мажбурий сотишнинг иложи бўлмаса, уй-жой халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, ҳақ тўламасдан давлат мулкига ўтказилади.

А. ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

Шаҳарнинг ўн икки дарвозаси

ЛАБЗАК

XIX АСРНИНГ бошларида пойтахтнинг Лабзак дарвозаси ўзининг жойлашган ўрни, дарвоза бўйлаб кетган қалъа деворлари ва ерининг паст-баландлиги билан ажралиб турар эди. Лабзак ҳозирги Янги Минор қабристони ёнидан оқиб ўтаётган Бўзсувнинг ўнг томонидаги Сирли мачитдан то Жангоҳгача бўлган жойларни ва унинг атрофидаги маҳаллаларни ўз ичига олган. Дарвозанинг ўзи Сирли мачит яқинида эди.

Лабзакда ўша вақтлардаёқ ўзининг катталиги билан бошқа маҳаллалардан ажраб турган Қошиқчилик, Беш оғайни, Қоратут, Чуқур қишлоқ, Қози кўча каби маҳаллалар бўлиб, ҳар қайси маҳалланинг мачитлари, гузарлари, боққолчилик дўконлари бўларди. Қошиқчилик маҳалласида иккита мачит бор эди.

Лабзакнинг атроф-ер тузилиши зовурсимон бўлиб, Тахтапул томонлардан анчагина пастликда, худди шу каби Шайхантоҳур томонидан ҳам пастликда жойлашган эди.

— Ана шу ёйсимон ва табиий чуқурликка ўхшаб кетган жойнинг ерларидан бир кетмон урилса намлик, икки кетмон урилса сув сизиб чиққанлиги учун аҳоли «лабизах» деб ном берган бўлсалар керак, — деди саксон баҳорни кўриш арафасида турган ажойиб педагог, мусаввир, СССР Рассомлар уюшмасининг аъзоси Ҳамидулла ота Жунайдилла ўғли.

Лабзак аҳолиси сувни Кайковусдан тортилган ариқлар, сопол қувурлар орқали хонадонма хонадон, боғмабоғ ўтказиб, истеъмол этар эдилар. Ўша вақтларда Лабзакда кўплаб булоқ сувлари ҳам бўлган. Лабзак ариғида сизот булоқ сувлар ҳисобига сув ҳажми анчагина бўлиб, икки тошли сув тегирмонлари ҳам яқин-яқингача ишлаб турар, ҳатто унда отлар бемалол сузарди.

Лабзак бўйлаб ўша вақтларда катта-кичик чойхоналар, оромгоҳ масканлар бўлар, узоқ-яқиндан кишилар ҳордиқ чиқарганн келишарди. Маҳаллаларда тегирмондан ташқари жувоз бўлиб, аҳолида эғир ёғ ҳамда шоли туядиган жувозлар ҳам бўлган. Ерли халқ асосан боғдорчилик, боққолчилик, савдо ишлари билан машғул бўлишган.

Лабзак суви бўйидаги атроф-жойлар тераксор ва толзор бўлганлиги учун аҳолининг маълум қисми ҳунармандчилик билан шуғулланган. Ҳозирги Қошиқчилик деб аталган маҳалланинг ўтган авлодлари ўша ёғоч хом ашёлардан қошиқ, ёғоч капгир, чўмич, ўқлов, жўва, гупти каби уй-рўзғор буюмларини тайёрлашган.

Лабзакликларнинг шаҳар атрофидаги Юнусобод, Дўрмон, Қорамурт, Лайлакобод деб номланган жойларда боғлари бўлиб, аҳолининг кўпчилиги эрта баҳорда далага кўчиб, кеч кузда қишга дон-дунларни, мева ва сабзавотларни ғамлаб қайтар эдилар.

Лабзаклик уста Маҳамад ота скрипка, ғижжак асбоблари ясашнинг пири. Айниқса, нок ёғочидан тайёрланган гижжак асбоблари машҳур бўларди. Уста Маҳамад ота Орифжонов ҳозир 80 баҳорни кўрдилар. Лабзакдаги кўпгина кўзга ташланадиган қадимий уйларни уста бувалари Орифжон бобо қурганлигини, ҳозирги Островский номидаги пионерлар саройи ҳам бир катта бойнинг боғи ўрнида бунёд этилганлигини, шу биноларни ҳам қуришда боболари қатнашганини хотирладилар.

— Бу сарой 1936 йилда ташкил этилган эди, — деб сўзни давом эттирдилар Ҳамидулла ота. — Асли лабзаклик бу нуроний отахон тинибтинчимайдилар. Педагог-мусаввир пенсияга чиққанларига анча бўлган бўлса ҳам, ҳали ўзлари ишлаб турган мактаб билан алоқани узмаганлар, Тошкентимизнинг кечаги тарихини, маданиятини ёшларга айтиб келишлари билан баравар, мусаввирликни давом эттириб келмоқдалар.

Лабзакнинг Қошиқчилик маҳалласида эса ўзбек совет адабиёти ҳамда санъатининг кекса авлодига мансуб бўлган шоир ва драматург Хуршид (Шамсиддин Шарафиддинов) яшаб ижод этганлар. Шоирнинг боболаридан қолган бу боғга Қори Саъдулла Алмаий, демократ шоирлар Муқимий, Комий, Тошкандийлар ташриф буюришган.

— Айниқса инқилобдан кейинги 20—30-йилларда Қошиқчи маҳалла знёлиларнинг гули йиғиладиган, мусоҳаба этадиган ажойиб жой бўлган, дардли ғазаллар шу ерда битилган, — деб ҳикоя этдилар таниқли санъатшунос олим Баҳриддин Насриддинов. — Жумҳуриятимиз театр санъатининг ташкилотчиларидан ва ўзбек драматургиясининг дастлабки қалдирғочларидан бири бўлган Хуршид «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ойбону», «Туркистон», «Сиёвуш» каби қатор саҳна асарларини, кўплаб ғазаллар, қўшиқлар ва инқилобий марш-ларни ана шу Лабзакнинг Қошиқчи маҳалласидаги боғида яратган.

1964 йилда Лабзак кўчаси Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли шоир ва драматург Хуршид (Шамсиддин Шарафиддинов) номига қўйилди.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари номзоди.

Ҳукмдан кейинги ўйлар

ЎРТАДАН ИНСОФ КЎТАРИЛМАСИН

Жанжалнинг боши келиннинг уйга кеч қайтиши бўлди.

— Бу нима деган гап, — бобиллади қайнона ёв қараш қилиб. — Мен келин олганманми ёки ўзимга қайнонами? Қачонгача қўлим косов, сочим супурги бўлади. Бўлди бас, ҳали ўғлим келсин ҳаммасини айтаман. Ё хотин, ё она десин.

— Ойижон, беадаблик қилган бўлсам кечирасиз. Уй юмушлари билан бўлибми, шу имтиҳон ўлгурдан ҳеч ҳам ўта олмаяпман. Бугун умрим кечгача домлани пойлаш билан ўтди. Келаман деган одам келмаса нима қилай?

— Вой-вой, ҳали бугун ҳам топшира олмадингизми? Яна эртага баҳона тайёр эканда.

— Майли ойижон, сиз рози бўлмасангиз ўқимай қўя қолай. Фақат бешинчи курса ўтганимда ўқишни ташлаб кетиш алам қиляптида. Шунча меҳнатларим зое кетадими?

— Мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда аллақачон ташлаб юборардим, шу жувонмарг ўқишни. Нима ўқиб тоғни олиб берармидингиз?.

Жанжалнинг устига ширакайф Фозилжон келиб қолди.

— Тинчликми? Нима бўлди, — сўради у онасидан.

— Дард бўлди, бало бўлди?! Мен сенга айтдим-а, менга ўқимишли келин керакмас деб, кўнмадинг. Мана энди пиширив е, ўзинг. Ҳар куни эрта кетиб кеч қайтади, ҳа, десанг, имтиҳон баҳона. Яна топшира олмай қайтади.

— Ҳали шунақами? Ҳов, менга қара!!

Тўсатдан юзига тушган шапалоқ зарбидан Фазилатхон мункайиб кетди.

— Вой, бу нима қилиқ?

— Ҳм, ёқмадими, ёқмаса ана катта кўча.

— Ҳайдаяпсизми?

— Менга аввало хотин эмас, она керак. Бор уйингга, жўна шумқадам. Шундоғам сенинг сўзингга кириб онамнинг олдида юзим шувит бўлгани етар.

Фазилат кийинди-ю, чиқиб кетди. Арзимаган жанжал ва калтабинлик туфайли бир оила барбод бўлди. Яқинда суд орқали эр-хотин ажралишди. Тўғри, оилани сақлаб қолиш учун маҳалла-кўй ўртага тушди. Келин томон инсофга келди ҳам. Лекин Фозилжон ва унинг онаси қаттиқ оёқ тираб олишди. Она қорнида қолган бола ҳали туғилмай туриб етим бўлиб қолди.

Яқинда Собир Раҳимов район сайёр судида худди шунга ўхшаш иш кўрилди. Уй — она, ўғил ҳамда келин ўртасида талаш. Эр-хотин: «Онамиз уйдан чиқиб кетсин», дейди. Она эса «Уйга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, у менга қарашли», дейди. Улар уйни талашиб-тортишишади-ю, оқибатини ўйлашмайди. Ахир бу қандай ўғил ёки онаки бир-бири билан мерос талашса?! Бир-бирига яхшиликни раво кўрмаса.

Суд шундай ҳукм чиқарди. Уй — бутун ҳовлиси билан онага қолди. Ўғил ва келин ота ҳовлини тарк этадиган бўлишди. Мақсадига етганидан она хурсанд. Ўғил ва келинни унинг кўрарга кўзлари йўқ. Шундай ҳам беоқибатлик бўладими? Ахир бир кун она ва ўғил ҳамда келин инсофга келиб қолар, қилмишларидан пушаймон бўлиб, яна баҳамжиҳат яшашар деган андиша билан бу мақолада уларнинг исм-фамилияларини келтиришни лозим топмадик.

Ўтган ишга саловат, дея ўзимизга таскин берамиз беихтиёр. Майли, нима бўлса бўлсину, ишқилиб ўртадан инсоф кўтарилмаган бўлсинда, деган хаёлга борамиз. Энг муҳими ана шунда-да.

М. КОМИЛЖОНОВ.

● Фаввора салқинида.

Н. Шарипов сурат-лавҳаси.

На соябон, на ўриндиқ

Кўктерак томонга бир юмуш билан кетаётгандим, метродан чиқиб, илгариги «Спартак» ўйингоҳига бордим. Унинг ўрнида 5-6 автобус турарди. Ўйингоҳни йўқотиб чакки қилишибди, бироқ ёлчитиб ҳам бекат қурилмаган...

Кун айни пешин, иссиқдан еру-кўк ҳансирайди. Кенг майдонда бирорта соябон йўқ. Нафасим димоғимга тиқилгандай бўлди. Шунда хаёлимни ёш боланинг йиғиси бўлди.

— Сув ичаман, сув олиб беринг, — деб она бечорани ҳолижонига қўймасди.

— Сувга бориб келгунимизча автобус кетиб қолади болам, уйга борайлик кейин ичасан, — деб юпатарди фарзандини аёл.

— Илгари бозор тепасидаги бекатда ҳам аҳвол шундай эди. Энди янгисига ёлчиймиз десак, на соябон, на ўриндиқ бор, — деди кекса йўловчи юзидаги тер томчиларини артиб.

— Бозорни ноз-неъматга тўлдираётибмиз-у, аммо пешонамизга тузукроқ бекат битмайди, — деди ўрта ёшдаги деҳқон аёл зорланиб.

Иссиқ таъсир қилдими, йўловчиларнинг гапими, пешонамдан муздай тер чиқиб кетди. Қайноқ асфальт устида, соябонсиз, ўриндиқсиз бекатда автобус кутиб турган ёшу қарилар кўз олдимдан кетмасди. Хунобим ошганидан бораётган жойим эсдан чиқиб, мутасадди идорага эшик қоқ-қани кетдим.

Тоҳирвой акага жиянн
С. АБДУЛЛАЕВ ҳамроҳ бўлди.

Мусаввир табассуми

— Вой ўлай, дадаси, нима бўлди?

— Нима бўларди, маҳалламиз нўчаларини кавлаб ташлашган, нўмиб-текислашмайди, йиқилиб тушдим, хотинжон.

— Атрофдаги маҳаллалар заводимиз трубасидан чиқаётган заҳарли газдан юқорига шиоят қилиб чиқишибди...

— Қўяверинг, шамол очиқ далага қараб эсаяпти, маҳаллаларга тутуннинг зиёни йўқ, деб айтамиз.

— Одамларга ҳам ҳайронсан. «Талонсиз нарса беришибди», дейишади-ю қаердалигини айтишмайди.

— Картошканинг сараси, олмаганлар армонда қолади.

— Отахон, «нитрат»ларингиздан 2 килограмм тортиб юборинг...

Ш. СУБХОНОВ расмлари.

Маҳалладош
ГАЗЕТА ТАШКЕНТСКОГО ГОРОДСКОГО СОВЕТА ПО КООРДИНАЦИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАХАЛЛЯ.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй, Телефонлар 32-53-66, 33-99-42, 32-54-15.
ЖАМОАТЧИЛИК ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Маънавий қадриятларимиз

ҲАҚИҚАТ НУРИ

ҲАЁТДА ҳеч қачон чеклаб бўлмайдиган маънавият бор, бу — ҳақиқат. Қанчадан-қанча мавжудотларнинг бошпанаси бўлиб келаётган курраи заминда бир воқелик бор, бу — ҳақиқат. Ҳақиқат бамисоли нурга ўхшайди, у ўзи билан бирга илиқлик, ёруғликни етаклайди. У йўқ бўлган жойни қоронғулик қоплайди, турли ғаламислар оёқости қилади.

Ҳақиқат ҳақида гап очдикми, демак, навбатдаги сўзларимиз, қарашларимиз ила баҳоли-қудрат бу юксак қадрият ҳақида фикр юритсак.

Ҳақиқат қурашларда юзага чиқади, шунинг учун ўзликни аямай олға интилишни унутмасак бас. Унинг фалсафаси шундай.

Шоирнинг қуйидаги мисралари фикримизга далил бўлса ажабмас:

Ҳақиқат — бор, ҳақиқат — аччиқ,
Шундан доим балога дучор.
Сен мард бўлгин, сен унга очиқ
Ҳимоячи бўлгин устивор.
Керак бўлса ҳақиқат учун,
Юрагингни парча-парча қил.
Керак бўлса ҳақиқат учун,
Минг бор ўлиб, минг бора тирил.
Майли, сендан дўстларнинг кечсин,
Сендан кечсин майли қондошлар.
Рози эдим мен берган жонни,
Ҳақиқатга бахш этсанг агар.

Ҳаётдаги кўпгина фалсафий имтиёзлар орасида ҳақиқат одамларга ҳар чоқ илоҳий куч ҳадя этиб туришининг ўзи кўзларни чақнатади. Ҳақиқат ўрнига ёлғон аралашдими тамом, ҳаёт беҳис бўлиб умр мазмуни кашф этилмай қолаверган. Эҳтимол, «Бошингга қилич келганда ҳам тўғри гапир», деган мақол ҳам шундан келиб чиққандир.

Ҳақиқат ҳақида фикрлаб туриб кўпларга таниш бўлган афсонани эсладим:

...Қадим замонда икки букри йигит яшаб ўтган экан. Уларнинг бири ўрмонга бориб жинларга дуч келибди. Қараса жинлар базмижамшид қуришаётган экан. Улар бор овозлари билан чоршанба, чоршанба деб бақиришармиш. Ахир бугун жума-ку, нега улар чоршанба деб қичқиришаяпти, деб ўйлабди йигит ва жинлардан чўчиб у ҳам чоршанба, чоршанба деб қичқираверибди. Шунда бир кекса жин ундан сўрабди: «Ҳай, инсон, нега сен бугун жума куни эканини била туриб чоршанба, деб қичқираяпсан?» Букри эса энтикиб: «Ахир сизлар кўпчиликсизлар, менинг гапимга ишонармидингиз», дебди. Кекса жин йигитга қараб «Сен мукофотга лойиқсан, тила тилагингни», дебди. Йигит эса: «Менинг бойлигим ўзим билан бирга», деб букрисини кўрсатибди. Кекса жин йигитнинг букрисини шундай ушлаган экан, букри йўқолиб, йигитнинг қадди тикланибди... Дўстининг тузалганини кўриб иккинчи букри ҳам ўрмонга келибди. Қараса, жинлар ялангликда давра қуриб ҳадеб чоршанба, чоршанба деб бақиришармиш. Шунда иккинчи букри: «Бугун чоршанба эмас, жума», деб қичқирибди. Кекса жин унга қараб: «Ҳой, инсон, нега шунча жинлар чоршанба деб турганда, сен жума, дейсан», дебди. «Ахир бугун жума-да», жавоб қилибди букри. «Сени ҳақгўйлигинг учун мукофотлаш керак экан», дебди жин букрига қараб. Жин йигитнинг букрисини ушлаган экан, елкасидаги букри ёнидан яна бир букри ўсиб чиқибди...

Юзаки ўйлаб қараганда биринчи букри тўғри иш қилди, ҳақиқатни яшириб букрисидан халос бўлди, шахсий манфаатини ҳар нарсадан устун қўйди. Бироқ, бу юзаки ўйлаб қараганда, холос... Иккинчи букри тамоман унинг акси, у оқни оқ, қорани қора деди. Сабаби, ҳақиқат унинг учун муқаддас. Шуларни мулоҳаза қилиб иккинчи букрини олқишлагинг келади.

Менга қолса ҳақиқат аввало оиладан бошланади, боғчадан, мактабдан бошланади. Токи, ҳар бир гўдак ёшлик чоғларидан унинг қийматини онгли равишда уқиб борсин, акс ҳолда кечикиши, уни арзон-гаровга алмашадиган, ўзини ўйлайдиган бир кимса бўлиб улғайиши мумкин. Чунончи, бир маротаба ёлғон гапирган болани иккинчи, учинчи маротаба алдамайди деб ҳеч ким кафолот беролмайди.

Жамиятимизда эсаётган қайта қуриш шамоллари туфайли қатағон йиллари айтилмаган, айтилмаган ҳақиқатлар кенг оммага маълум бўлди. Социалистик жамият ҳисобланган мамлакатимизда ҳақиқат чекинган кезлар Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирий, Фитрат, Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев сингари кўплаб ўзбек халқининг иқтидорли ўғлонлари беҳисоб азобларни бошларидан ўтказганлари ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

Хайриятки, оламда ҳақиқат бор.

Хайриятки, ҳақиқат эгилса-да, синмайди.

Беш-олти йиллар муқаддам атрофимизни офаринбозлик, ҳайбаракаллачилик, таъмагирлик каби иллатлар чирмовуқдек ўраб олганди, биз чиройли сўзларга маст бўлиб юравердик. Ҳаётимиз арши аълода юргандек кўрсатиларди, бизларда ҳамма нарса яхши, аъло, бошқаларда эса энг ёмон энг тубан, энг...

Оқибат нима бўлди? Тўлқинлари тобора пасаяётган денгизимиз нола қила бошлади, қайиқлар қабристони ўша 70-йиллардан бизларга «эсдалик» бўлиб қолди. Маънавиятимизни вайрон қилсалар-да, ҳар қарич ерда «оқ олтин» ундирсаларда, ҳақиқатни англаб, англамасликка олиб кетавердик. Аниқроғи, афсонадагидек букримизни йўқотиб олганимиздан қувондик. Ўзимизга термилиб сармаст юрганимизда табиат инсонлардан мадад кутарди. Нима бўлар, ҳақиқат эмасми?

Ҳа, ҳақиқатнинг майдони улкан.

Кўз олдингизга келтиринг-а. Улуғ Ватан уруши йилларида нене азамат партизанлар, разведкачиларимиз немис-фашист газандалари қўлида шафқатсиз қийноқларга бардош бердилар. Ҳақиқатни душманга ошкор этмай ирода кучлари билан ғанимларни маънан енгдилар. Улар сир тутган ҳақиқат минглаб совет халқининг ҳаётига тенг эди.

Мана, ошкоралик замонига етиб келдик, шундай бўлишига қарамасдан барчамиз биладиган, бироқ билмасликка олаётган ҳақиқатлар ҳозир ҳам етарли. Масалан: болангизни боғчага жойлаётганда албатта «эришингиз» керак, касалхона ёки туғруқхонада бирор яқинингиз ётгудек бўлса «шифокор»ларга «ўтказиб» қўйсангиз бўлгани. Бемор атрофида парвона бўлишади. Балки ошириб юборгандирман, начора, ҳаёт ҳақиқатларига суянган ҳолда уларга ёндошдим. Ҳаёт ҳақиқатларидан эса ҳеч вақт кўз юмиб бўлмайди. Ҳамма гап ана шунда!

Мирзаумар ХАЛИЛОВ.

ҚИЗЛИ УЙ— ҚИЗИЛ ГУЛ

ХАЛҚИМИЗДА «Она қизига тахт эмас, бахт ясайди», деган нақл бор. Бу нақлнинг маъноси катта. Қадим замонларда она қиз кўрган кундан бошлаб унга атаб сеп йиғишга киришарди. Чунки, улар тушунчасига кўра, хонадонга сепли қиз тушса иззатли бўлиб, тиниб-тинчиб кетармиш. Доно кексалар, қиз боланинг бахти кўп жиҳатдан она тарбиясига боғлиқ эканини уқтиришади. Бу бахт йўлига қизни даставвал она етаклайди, ўз кетидан эргаштириб, уни ҳаёт сўқмоқларидан чиниқтириб, авайлаб ёруғ йўлга олиб чиқади.

Қиз боланинг бахти учун она лозим бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриб қўйиши ҳам қарз, ҳам фарздир. Бунга она қунт қилиши, сабр-чидамли бўлиши, қизига ҳаётнинг мақсад-маъносини, турмушда учрайдиган мураккабликларни тушунтириши, у ёки бу ишни тўғри бажариш тартиб-қоидасини ўргатмоғи лозим бўлади. Афсуски баъзи оналаримизда ана шу қунт, сабр-чидамнинг ёки ҳаётий тажрибанинг етишмаслигидан қизлар ношуд, баъзан эса енгилтак бўлиб қоладилар.

Қиз болани ёшлигиданоқ пок табиатли бўлишга одатлантирган маъқул. Бунинг учун вақтида ювиниб-таранишига, уст-бошларини вақтида алмаштиришга, озода, эҳтиёт тутишга ўргатиш керак. Болани маълум орасталик шароитда тарбиялашнинг ўзи батартиблик одобига ўргатади.

Қиз бола уй тутиш, саранжом-саришталикни ўз оналари намунасида кўриб ўрганади. Шундай экан, она уй юмушларини: овқат тайёрлаш, дастурхон тузатиш, кир ювиш, уй тозалаш, дазмол босиш, бичиш-тикиш, меҳмон кутиш каби ишларни бажараётганида қизини ҳам ёнига олиб, ишларни унинг дастёрлигида қилса, бу онага ҳам, қиз болага ҳам фойдали бўлади. Ҳар биримиз онамизнинг қачондир «Бажарганинг — менга, ўрганганинг — сенга» деганларини яхши эслаймиз, зеро қизли уй—қизил гул бўлиши керак.

Қиз боланинг энг муҳим фазилатларидан бири — одоби, шарму ҳаёсидир.

Шарму ҳаёли бўлмоқлик —бу номусли ориятли бўлмоқлик, ўзгаларни ҳурмат қилмоқлик, ақл билан иш тутмоқлик, ўз номусини пок сақламоқлик, ҳар қандай вазиятда ўзини тута билмоқлик, ҳар бир қадамини ўйлаб-ўлчаб босмоқликдир. Бу хислатларни қиз бола ўзининг энг яқин кишилари ўртасидаги яхши муносабатлардан уқиб олади.

Пиру-бадавлат онахонлардан Рихси ая болалиги ўтган ота-она хонадони ҳақида мана буларни фахр билан сўзлайди.

— Мен онамнинг ўринларини бирор гал ёйиқ турганини кўрган эмасман. Улар ҳеч вақт биздан аввал ухлаган ҳам эмаслар. Қачон ётиб, қачон турганларини кўрмасдик. Отам бизнинг олдимизда бир баҳя ҳам овозларини кўтариб сўзламасдилар. Уйимизда меъёридан ортиқ хаҳолаб кулиш, эснаш, керишмоқ беадаблик ҳисобланарди. Ёки ножўя ҳазил, бирор бачкана қилиқ зуҳур бўлса, отам бир томоқ қирсалар, бу қаттиқ танбеҳ бўларди бизларга. Қизлар хонаси алоҳида, ичкарироқда бўлар, меҳмонхона эса дарвоза олдида бўлар, акаларимиз барча оғир юмушларни ўзлари бажарардилар. Онамиз қизлар одоби, ибоси ҳақидаги ҳикоятларни кўп айтиб берардилар, биз билан яқин сирдош эдилар. Сочимизни ўратуриб, нозик саволлар билан кўнглимизни билардилар, сўнг тўғри бир маслаҳат берардилар, «Ҳар бир гулнинг ўз харидори, қадрига етувчиси бўлади», — дердилар. Акаларимизга эса «Қиз бола — чинни пиёла. Унга қаттиқ тикилса ҳам дарз кетади, болам. Назарингг пок бўлсин, кўча-кўйда бировларнинг қизларига гап отиш, ранжитиш — энг оғир гуноҳ», деганларини кўп эштитганман.

Ҳаётий бу гаплардан хулоса чиқариб, ота-боболар, онахонлардан қолган яхши удумлардан ибрат олмоқ ёшлар учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Халқ орасида «Онасини кўриб қизини ол» деган нақл асрлар оша бизгача етиб келгани маълум. Бу, хусусан, шарқ халқларида она қиз учун нафақат тарбиячи, балки қизи тасаввурида муккаммал аёл сиймосида намоён бўлиб келганини кўрсатади. Қизлар ўз оналарининг юриш-туришлари, одатлари, воқеа-ҳодисаларга муносабатларига тақлид қилишга уринадилар. Шу тарифа оналардаги ажойиб фазилатлар билан бирга, салбий хислатлар ҳам қизлар кўникмасига сингиб кетади. Она ибрати тарбиядаги муҳим омил эканини ҳеч унутмаслик керак.

Қиз бола, айниқса балоғат ёшига етганда сирли ҳиссиётларга берилувчан бўлади. Бундай пайтда уларда ҳиссий руҳий ҳолат кучайиб, ҳаётга қизиқиш ортиб боради. Она қизидаги ёш билан боғлиқ ўзгаришларни вақтида пайқай олиши лозим. Қизидаги ҳиссий муносабатларга аниқ қизиқишни ҳисобга олиб, онанинг ўзи бу ҳақда маълумот бергани маъқул. Одатда қизлар балоғат ёши билан боғлиқ бўлган маълумотларни ўзларидан катта опаларидан, улар бўлмаган чоғда қариндош, таниш аёллар ёки дугоналаридан билишга ҳаракат қилишади. Чунки қиз бола онаси билан бу ҳақда сўз юритишдан тортинади, уятли деб ҳисоблайди. Буни сезган оналар ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Шарқ афсоналаридан бирида она турмушга чиқиб кетаётган қизига шундай маслаҳат беради:

— Э, қизим! Сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушаяпсан, сен бўлажак қуёвингнинг ҳамма ҳолатларини билмайсан! Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби, у ҳам меҳри-шафқати билан сени хушнуд этади. Сен унга канизак бўлсанг, у сенга қул бўлади.

Қизим! Қуёвингдан кучи етмаган, сотиб олишга ва имкони-қудрати бўлмаган нарсаларни талаб қилма! Бундай қилсанг, оиладаги тотувлик йўқолади, турли хил жанжалларга сабаб бўлади.

Эрингдан ҳеч бир сирингни яширма, эрингдан бошқа ҳеч кимга сир сўзлама. Эринг ёнида бир киши ўтирган бўлса, эрингга қарши бир оғиз ҳам сўз айтма. Эринг севмайдиган ишлардан, кўнгли тўлмайдиган, рашкини келтирадиган одатлардан узоқ бўл».

Она, айниқса, қизи турмушга чиққан дастлабки йилларда, бошқа оилага кўникиб кетгунига қадар ана шундай одил маслаҳатларини, керак бўлса ёрдамини аямасин.

Ҳозирги кунда қизларни ёш узатиш, йигитларни барвақт уйлантириш расм бўлиб бормоқда. Яхши ўқиб, ишлаб турган ёшлар бўшашиб, ўқишлари ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Айни илм-ҳунар эгаллаш палласида турган ёш, ҳали ҳаётда чиниқмаган йигит-қизлар зиммасига барвақт оила ташвишини юклаш қандай бўларкин? Ота-оналар умид билан, паст тушиб, баланд чиқиб деганларидек, фарзандини 13—14 йил ўқитади, тугатишига бир-икки йил қолганда қуда томоннинг катта ваъдаларига «учиб» узатиб, сўнгра пушаймонда юрганлар ҳам топилади. Ота-онага жаҳл қилиб ёки иродасизлик оқибатида ўзи ёқтирмаган қизга ёки йигитга розилик бериб, бир умр ўзини бебахт қилиб қўйишнинг нима кераги бор?!

Қиз боланинг тушган жойида туп қўйиб, палак ёзиб, тиниб-тинчиб кетиши кўпроқ хонадон улуғлари — ота-оналарга ҳам, уларнинг янги оилага, келин-куёвга муносабатларига ҳам боғлиқлигини айтиб ўтиш жоиздир. Қиз билан йигит аҳил бўлса-ю, қуда-андалар аҳил бўлмаса, бу ҳам ёмон. Икки ёшнинг ширин турмушига раҳна солади. Икки ўртада гап қочиб, келин ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ қила бошланади. Куёв ота-онасининг раъйига қарши бориб, хотинини ҳимоя қила олмайди. Бу орада фарзандлик бўлишади. Лекин у ҳам орадаги совуқчиликни кўтариб ташлай олмайди. Қарабсизки, қиз кўзининг ёшини оқизиб, боласи билан отасиникига қайтиб келади. Мол-дунё топиладиган нарса. Лекин бир кетган бахт қайтиб келармикан?! Қиз ҳам, йигит ҳам яна бошқа турмуш қилишар, ўзларига мос эр ва хотин топишар, лекин ўртадаги фарзанд тақдири нима бўлади? Унга оталик ёки оналик қила олармикан?

Ота-оналар ичида қизларининг бахтидан кўра тахтини кўпроқ ўйлайдиганлар кўпайиб бормоқда. Қизларни кўпроқ мол-ҳол билан узатишга, тўкисроқ, мартабалироқ жойга қуда бўлишга интилишади. Қиз болани бахти сепида, мол-дунёсида деб ўйлаш тўғримикан? Амалига ёки бойлигига учиб, қиз берадиганлар ҳам йўқ эмас. Лекин ўзининг қадрини билган, қизининг бахтини ўйлаган инсон бундай қилмайди. Энг муҳими, қиз бола масаласи нозик экан, юқоридагилардан хулоса чиқариб унинг тўла-тўкис бахтли бўлишини, оиланинг чинакам бекаси бўлишини ўйлайлик.

Ойшахон ТУРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари номзоди.

ВАЗМИНЛИК ҲАҚИДА

КЕЧИРИМЛИЛИК — инсонийликнинг олий хислати. У кишиларнинг оғир-босиқликлари, ўзларини тута билишларини белгиловчи омиллардан биридир. Кечиримли кишилар сермулоҳаза, ақл-фаросат билан иш юритишади.

Кечиримлилик аввало киши ўзини тута билиши ва бошқара олишида намоён бўлади. Турли шароитда, хоҳ оғир, хоҳ енгил бўлсин, ўзини вазмин тутадиган кишилар бамаъни ҳисобланадилар. Чунки бундай кишилар ҳиссиётга ортиқча берилмайдилар, вазиятни ақл тарозусида тортиб, кейин хулоса чиқарадилар. «Инсоннинг, — деган эди Гёте, — имкони борича вазиятни кўпроқ баҳолаб, иложи борича вазиятга ўзини камроқ баҳолатиши, сўзсиз унинг энг буюк хизмати бўлиб қолаверади».

Қизиққонлик, аччиқланиш, ғазабланиш, шошма-шошарлик, ўйламай қилинган иш кечиримлиликка зарба беради, кишини бебурд қилиб қўяди. «Кимки кучли ғазабдан ўзини тутса, — деб ёзган эди антик дунёнинг мутафаккирларидан Плавт, — у анча-мунча ақлли». Дарҳақиқат, ўзини тута билишда, босиқликда гап кўп. Унинг меваси ширин, натижаси шарафлидир.

Бу ҳақда буюк бобомиз Алишер Навоий шундай деганлар:

Жаҳл аҳли била кимки улфат бўлғай,
Ул улфати ичра юз минг офат бўлғай.

Дарҳақиқат, ушбу мисраларда олам-олам маъно бор. Аччиқланиб, жаҳл отига миниб одам бирон ишга қўл урса бахтсизликка олиб келади. Кейин минг афсус қилгандан фойда чиқмайди.

Ривоят қилишларига кўра, қадим замонда бир-бирини ниҳоятда севувчи ошиқ-маъшуқлар тақдирнинг тақозоси билан анча йиллар бошқа-бошқа, айрилиқда яшашларига тўғри келган экан. Йигит сарбозликка чақирилиб, узоқ ўлкаларда, жангу жадалларда қатнашади. Ана-мана дегунча орадан 17-18 йил ўтади. Ўз юртига қайтган йигит уйига келиб қараса, қўшни хонада мўйлаби сабза урган ёшгина йигит маст уйқуда ётган эмиш. Бундан қаҳрланган эр «Мен сени бир дақиқа ҳам ёдимдан чиқармай, сенга талпиниб юрсаму, сен бевафолик қилсанг» деб қиличини суғуриб, йигитни ҳам, нариги уйда ётган рафиқасини ҳам чопиб ташламоқчи бўлади. Шунда эсига устозларининг «Қаҳринг келса, қирққача сана», деган ўгити ёдига тушиб санашга тушади. Овоздан уйғонган аёл қараса эри қилич яланғочлаб, дарғазаб турибди. Шунда хотини ухлаб ётган йигитча ўғли эканлигини айтади. Чунки эри хизматга кетаётганида ўғли туғилмаган эди. Бу қувончдан ўзини бутунлай йўқотиб қўйган эр ўғлини бағрига босади.

Дарҳақиқат вазминлик билан ҳал этилган ишнинг охири яхшилик билан тугайди. Бу одат айниқса бизнинг давримизда жуда муҳим.

Мусақул УСМОНОВ,
тарих фанлари номзоди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Узбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги

ТАШЭКС БИРЛАШМАСИ

малакали ишчи-кадрлар тайёрловчи

17-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

9-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 3 йил);
кенг профилдаги станокчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг операторлари, токарь, электргаз пайвандчиси, кўприкли кранларнинг машинисти, механика-йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

11-СИНФ ҲАЖМИДА (ўқиш муддати 1 йил):
кенг профилдаги станокчи, электр-газ пайвандчи, ремонт ишлари слесари, йиғув ишлари слесари, автомобиль ремонти слесари.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга бепул кўчалик ва ишчи кийимлари ва 2 маҳал иссиқ овқат, 11-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар эса 30 сўм стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Махсус группа ўқувчилари практикасини ва кейинчалик армия хизматини Ўзбекистонда, ТуркВО қўмондонлигининг авторемонт корхона ва ҳарбий қисмларида ўтайдилар.

Билим юрти аълочилари имтиёзли шартлар асосида олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ДОСААФнинг автомобиль курсларига йўлланма берилади ва автомобиль транспорти «С» категорияли ҳайдовчилик гувоҳномаси оладилар.

Билим юртида вокаль-чолғу ансамбли ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Ўқув кабинетлари видеомагнитофон қурилмалари ва бошқа замонавий талаб асосида жиҳозланган қурилмаларга эга.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома, саломатлик ҳақидаги справка, яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Содиқов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: 68-68-74, 68-67-09.

Транспорт: 4, 5, 24-троллейбусларнинг «СПТУ-17»; 3, 22, 23, 29-трамвайларнинг «Старт» стадиони бекатлари.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990-1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу группаларга 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, битириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар педсовет қарорига кўра, ўқишни битириб бўлгач Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсамларда олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва область бошқармасининг йўлланмаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 32 сўм стипендия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши I ва II даражали ногиронларининг фарзандларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юрти қўнимгоҳи: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Бобир кўчаси, 3-уй (13, 70, 116э-автобуслар билан «Чўпон ота», 4 ва 9-трамвайлар билан «Тез ёрдам» медицина клиникаси бекатларигача борилади). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

ЭЛЕКТРОНИКА—МЎЪЖИЗА ЭМАС, ЗАМОНАМИЗНИНГ ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ...

Ҳозирги ҳаётимизни электрон асбобларсиз тасаввур қилиш қийин. Ҳамма соҳада, ишлаб чиқариш корхоналарида ва кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган жиҳозларда электрон асбоблари бизга ҳамроҳдир.

57-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

радиоэлектроника корхоналари ва радиоэлектрон асбобларни тузатувчи устахоналар учун

қуйидаги касблар бўйича

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ:

кичик жадвалларни йиғувчи, фотолитография оператори, диффузион мосламалар оператори, радиоэлектрон жиҳозларни созловчи, радиоэлектрон жиҳозларни йиғувчи, ярим ўтказгич дастгоҳларни созловчи, радиотелевизион жиҳозларни тузатувчилар.

Ўқиш муддати: 9-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 3 йил, 11-синф маълумотига эга бўлганлар учун — 1 йил, Совет Армияси сафида 2 йиллик хизмат бурчини ўтаб келганлар учун — 6 ой.

Билим юртининг кечки бўлимида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда газ-электр-пайвандчи касби бўйича 6 ойлик курс ташкил қилинган.

Маконимиз: Тошкент шаҳри, Киров райони Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 9-уй (телефон 21-10-79). 67э, 9, 167-автобусларнинг «8-АТП»; 8, 82, 83-автобусларнинг «5-кўп ихтисосли болалар касалхонаси» бекатлари.

⊙ ТОШКЕНТДАГИ «Интурист» маданият-ахборот марказида Ўзбекистон мусаввирларининг биринчи тижорат кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазмага турли бадиий йўналишдаги ёш муаллифларнинг ўттиздан зиёд асари тақдим этилган.

СУРАТДА: кўргазма залида.

О. Журавлев (ЎзТАГ) сурати.

Ўзбекистон халқлари ижодиёти

«Шундай ўйнаб қўшиқ айтки, қалблар ларзага келсин!»

Тошкентдаги Билимлар уйида Бухоро яҳудийлари маданият маркази ҳузурида тузилган янги «Ларзон» ижодий жамоасининг дастлабки чиқиши бўлди.

«Ларзон» сўзи «ёқимли титроқ» маъносини беради. «Артист шундай ўйнаб, қўшиқ айтиши керакки, қалблар ларзага келсин» —деб насиҳат қиларди қизига Ўзбекистон ССР халқ артисти Исаҳор Оқилов. У томошабинларнинг қайфияти, руҳий ҳолати кўп жиҳатдан саҳнага чиққан одамга боғлиқ, деб ҳисобларди. Устоз ҳаётдан кўз юмди, лекин унинг сўзлари ёдда сақланиб қолди. Ўзбекистон хореография санъатини ривожлантириш учун кўп иш қилган унинг қизи жумҳурият халқ артисти Вилоят Оқилова ота насиҳатини миллий ансамблда тадбиқ этишга киришди. Программа тузишда унга Ўзбекистон ССР халқ артисти Сасон Беньяминов ёрдам берди. Ансамбль бадиий ва мусиқа раҳбарлари ижро мундарижасини уч қисмга — қўҳна мақомлар, рақслар ва эстрада номерларига бўлиб олишди. Биринчи бор иврит — ўз халқларининг қадимий тилидаги қўшиқларни киритишга аҳд қилдилар.

Мана ниҳоят — премьера. Тўпланганлар гўё сеҳрлаб қўйилгандек, саҳнадан кўз узмасди. Мазкур саҳна ижроси кўпгина ёш томошабинлар учун кашфиёт бўлди: уларнинг аксарияти ўзларининг тан олишларича, қўшиқлар у ёқда турсин, ҳатто тилни ҳам қийналиб тушунишади. Концерт эса улар учун — маънавий манбалардан баҳраманд бўлиш имкониятидир. Программага кўра, томошабинлар машҳур санъат вакиллари — жумҳурият халқ артисти Маргарита Оқилова, Тошкент консерваториясининг профессори Сулаймон Тахалов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Исҳоқ Катаев, Эсон Қандов, Эдуард Қаландаров, Лола Оқилова, Михаил Мошеев, Раби Ибрагимовлар билан учрашдилар. Машҳур санъат усталари билан бирга ёшлар ҳам муваффақиятли чиқдилар. Концертга бухоролик артистлар ҳам келишди.

— Санъат — тарихий ўтмиш, ҳозирги кун ва келажак билан таништирувчи энг яхши воситадир. Демак, «Ларзон»нинг пайдо бўлиши — бизнинг адабий ва мусиқавий фольклорни тарғиб қилишда амалга ошган ниятларимиздан биридир, — дейди маданият марказининг раҳбари Э. М. Катанов. — Унинг биринчи программасига тайёргарлик кўришда анчагина ташаббускорлар куч-ғайрат сарфлаганлигининг ўзиёқ одамлар ўз қадрдон маданиятини нақадар соғинганликларини кўрсатади.

Муаммолар ҳақида гапираётганда, Эдуард Михайлович барча маданият марказлари учун умумий бўлган қийинчилик — бино топиш масаласини тилга олди. Чкалов кўчасидаги кичкина зал йиғилишларга, ижодий кечаларга, концертларга барча хоҳловчиларнинг тўпланиши учун торлик қилади. Катта залларни ижарага олиш жуда қимматга тушади. Ҳолбуки, марказ ихтиёрий хайр-эҳсонлар ва бадаллар ҳисобига кун кўраяпти. Маданият бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириб бориши лозим бўлган жумҳурият миллатлараро муносабатлар маркази қандай ёрдам бераяпти, деган саволга Э. Катанов елка қисиб, бош чайқай олди, холос. «Ҳозирча, ҳеч қандай ёрдам берилмаяпти. Аксинча, биздан у ёки бу артистни бирор бир тадбирда иштирок этиш учун юборишни илтимос қилишаяпти. Ўйлашимча, биз ўз муносабатларимизни бундай принцип асосида қура олмаймиз — шунчаки бошлиқларнинг бизга кераги йўқ, иттифоқчилар, маслақдошлар, ўртоқлар — албатта керак!»

Марказ этнография музейини, халқ театрини ташкил қилишни, вақтли нашрлар чиқаришни режалаштириб қўйган. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида драматург Арон Шаламаев бошчилигидаги Бухоро яҳудийлари адабиёти секцияси ишламоқда. Алишер Навоий номли адабиёт музейининг бир бурчагида очилган бўлим Бухоро яҳудийлари тарихига бағишланган. Самарқанддаги асосан шу миллат вакиллари яшайдиган «Шарқ» даҳасининг 150 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. Бир сўз билан айтганда, анъаналарни тиклаш йўлида дастлабки қадамлар қўйилди, — деб якунлайди ўз мақоласини ЎзТАГ мухбири Э. Тухватуллина.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«8 ёшдан 80 ёшгача бўлган ҳамма учун спортнинг қайси турн мақсадга энг мувофиқ ва маъқуллиги тўғрисида ўйга толар экансиз, бу — теннис спортн деган хулосага келасиз...»
И. В. ИЛЬИНСКИЙ.

Агар Сиз соф ҳавода дам олиб, ҳордиқ чиқаришни, асабий таранглиқдан халос бўлишни, руҳан енгил тортишни истасангиз мамлакатимиздаги энг яхши спорт иншоотларидан бири бўлмиш «Динамо» теннис клубига марҳамат қилинг.

Теннис комплекси 11 та қум-тупроқли аъло сифатли кортлар ва 6 та асфальтли кортлардан, замонавий жиҳозланган тренажёр зали, кенг ва қулай кийиниш-ечиниш хонаси, жилвирак хоналари, ҳордиқ чиқариш хонаси ва кафедан ташкил топган.

Яхши ракеткалар, коптоклар, кортларни ижарага олиш, исталган маркадаги тўр тортиш, Сизни қизиқтираётган спорт-теннис мавзуида консультация олиш, шифокор билан маслаҳатлашиш, уқалаш муолажаларини олиш мумкин.

Теннис ўйнашга ўрганишнинг эрта-кечи йўқ. Оила аъзолари билан жамулжам бўлиб машқ қилиш эса бу ўйинни янада мароқли қилиб, одатдаги шароитларда иложини топиб бўлмайдиган фарзандлар қалбига йўл топиш, улар билан муомала қила билиш имконини беради.

Машғулотлар шифокор назорати остида тренерлар раҳбарлигида ўтказилади. Улар Сизга қисқа муддат ичида теннис ўйинининг нозик томонларини ўзлаштириб олишингизда ёрдам беришади.

БИЗ СИЗНИ ТЕННИС ЎЙНАШГА ЎРГАТАМИЗ, ТЕННИС — БУ СИЗБОП СПОРТ ТУРИДИР!

«Динамо» теннис клуби алоҳида фуқаролар билан машғулотлар ўтказади, шунингдек, ходимлар билан гуруҳий машғулотлар ўтказиш учун ташкилотлар билан шартномалар тузади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 125, Високовольтний массиви, «Динамо» теннис клуби. Телефонлар: 62-63-13, 63-19-39, 63-19-40 (метронинг «М. Горький» станцияси, шоҳкўча бўйлаб: 6, 13, 22-трамвайлар; 9, 18-троллейбуслар; 17, 71, 83-автобусларнинг «Маданият институти» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ГОСКОМТРУД УЗССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ МОТОР ЗАВОДИГА

Бош металлург, бош ҳисобчи ўринбосари, гидравлика муҳандислари, электрончилар, металлурглар (янгидан ташкил қилинаётган ишлаб чиқариш тузилмаларида ишлаш учун);

Токарлар, фрезерловчилар, ичдан йўнувчилар, электр пайвандчилар, силлиқловчилар, чархловчилар, саноат ускуналарини тузатиш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электр монтёрлар, автомат йўналишлар ҳамда рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг операторлари;

Чилангарлар: асбобсозлар, саноат ускуналарини тузатувчилар, металл конструкцияларини йиғиш бўйича механика йиғув ишлари, двигателларни йиғиш бўйича механика йиғув ишлари; назорат ўлчов асбоблари ва автоматика, сантехниклар;

Созловчилар: автоматлар ва ярим автоматларни, автомат йўналишлар ва агрегатли дастгоҳларни, металл қирқувчи ускуналарни, рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг электрон системаларини, автомат йўналишларни, Германия Федератив жумҳурияти ва Италияда ишлаб чиқарилган автомат йўналишларда ишлаш учун созловчи операторларни;

Двигателлардаги нуқсонларни аниқловчи ва синовчилар;

Қуювчилар: металлар ва қотишмаларни, босим остида қуйиш машиналарида, машинада қолипловчи стерженчилар, металл эритадиган печларнинг ичини ўтга бардошли материал билан ишлаб чиқувчилар, қирқувчилар; эритиш печига шихта (руда, шлак, ёқилғи ва шу кабилар) ташловчилар;

Юк ортиш ва туширишишларида қатнашувчи ишчилар, юкчилар ва бошқа турдаги ишчи касблари.

Касбга эга бўлмаганлар кейинчалик заводда ишлаш шарти билан заводда ёки «Минавтосельхозмаш»нинг Москва, Владимир, Минск ва бошқа шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналарида уч ойдан то бир йилгача бўлган муддатда ўқиб-ўрганиб касб эгаллашлари мумкин. Ўқиш пайтида 100 сўмдан стипендия тўланади ҳамда меҳнатга вақтбай-мукофотли, ишбай-мукофотли ва билвосита-ишбай тарзда ҳақ тўланади.

Маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўналтириш марказига (Космонавтлар шоҳкўчаси, 6-уй, телефон 56-07-23) **ва завод кадрлар бўлимига** (98-47-77) **мурожаат қилинсин.**

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Х. З. КАЛОНОВ НОМИДАГИ ОЛИЙ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Янги ахборот технология (ЯАТ)**лар ва бошқарувни ҳужжатлар билан таъминлаш** (НИТ) **соҳаларидаги касбларни эгаллашни истаган барчага Х. З. Калонов номидаги олий ҳунар билим юрти педагогик технологияларининг янги кўринишларини тавсия этади.**

Олий ҳунар билим юрти ўқувчилар ва талабаларга интеграл ва кўптенгламали ўқув планлари, шахсий ўқув плани фанларини танлаш, фанлар бўйича ақлий тараққиёт даражасини аниқлаш мақсадида ишлатиладиган стандарт топшириқлар бериш, руҳшунослик-педагогика диагностикаси ва ҳоказолар каби таълимнинг янги системасини таклиф этади.

Олий ҳунар билим юрти фаолиятининг бош мезони — узлуксиз касб-ҳунар ва ҳар бир йили — бу эгалланган касб-ҳунар ва ўз куч-қуввати-ю билимларини халқ хўжалигига тадбиқ этиш учун ишлаб чиқаришга кетиш имконияти демакдир. Ҳар бир йил — таълимнинг набатдаги босқичидаги конкурсида иштирок этиш демакдир.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига ЯАТ ва НИТ—ОТ соҳасида ишчидан тортиб то муҳандислик малакасигача бўлган бир неча ихтисосларни эгаллаш имкониятини яратади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛДАН 6 ЙИЛГАЧА.

Тошкент шаҳрида пропискада турувчи, ўрта мактабларнинг 9 ва 11-синфларини битирган шахслар ўқишга қабул қилинадилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кириш имтиҳонлари ўрнига абитуриентларга фанлар бўйича уларнинг ақлий тараққиёт даражаларини аниқлаш мақсадида стандарт топшириқлар берилади ва руҳшуносларнинг суҳбатидан ўтиш тавсия этилади.

Ҳужжатлар 15 августгача қабул қилинади.

34-55-73, 34-55-51 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Манзилимиз: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10 «э», 44, 56, 85 «э», 88, 179-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш вазирлигининг

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЭРКАКЛАР УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР
— **ўқиш муддати 12 ой, стипендия 40 сўм,**

АЁЛЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР,
АЁЛЛАРНИНГ ЕНГЛИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИЛАР
— **ўқиш муддати 9 ой, стипендия 40 сўм,**

КЕНГ ТАРМОҚЛИ ФОТОГРАФЛАР
— **ўқиш муддати 9 ой, стипендия 40 сўм,**

МАНИКЮРША
— **ўқиш муддати 3 ой, стипендия 40 сўм,**

ЭРКАКЛАР САРТАРОШИ
— **ўқиш муддати 6 ой, стипендия 40 сўм,**

ЭРКАКЛАР ШИМИНИ ТИКУВЧИЛАР
— **ўқиш муддати 3 ой, стипендия 40 сўм,**

ЯККА БУЮРТМА БЎЙИЧА ПОЙАБЗАЛ ТИКУВЧИЛАР
— **ўқиш муддати 9 ой, стипендия 60 сўм,**

ПОЙАБЗАЛНИ ТУЗАТУВЧИЛАР
— **ўқиш муддати 6 ой, стипендия 60 сўм.**

ЎҚИШ 16 ЕШДАН 30 ЕШГАЧА 8—10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ ИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Қабул суҳбатлашиш йўли билан ўтказилади.
Ўқиш муддати иш стажига қўшилади. Ўқиш тугагач, мутахассислар Тошкент шаҳар маиший хизмат кўрсатиш корхоналарига жойлаштириладилар.

ЎҚИШ ГРУППАЛАР ЙИҒИЛИШИ БИЛАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кираётганлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, таржимаи ҳол, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286 формадаги медицина справкаси, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан справкалар, 3х4 катталикдаги 3 дона фотосурат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Киров район, Бир минг ўрик кўчаси, 9-уй.

Транспорт: 2, 16-трамвай ва 19, 156-автобусларнинг «Ўзбексельмаш» заводи бекати.

Телефон: 35-25-64.

Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги
Ю. РАЖАБИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—91 ўқув йили учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

0305 — «Мусиқа тарбияси», мусиқа ўқитувчиси, мусиқа раҳбари малакасини бериш билан тўлиқсиз ўрта мактаб базасида. **Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.**

0305 — Мусиқа ўқитувчиси, катта пионер етакчиси малакасини бериш билан ўрта мактаб базасида. **Ўқиш муддати — 2 йилу 10 ой.**

0308 — «Мактабгача тарбия», мактабгача муассасаларида тарбиячи, мактабгача муассасаларда мусиқа фаолияти ташкилотчиси малакасини бериш билан тўлиқсиз ўрта мактаб базасида. **Ўқиш муддати — 3 йилу 10 ой.**

0308 — Мактабгача муассасаларда тарбиячи малакасини бериш билан ўрта мактаб базасида. **Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой.**

АРИЗАЛАР 31 ИЮЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1990 ЙИЛ 15 ИЮЛДАН БОШЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ.

ЎҚУВЧИЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ — 25 АВГУСТГАЧА.

ЎҚИШ КУНДУЗГИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 17-мавзе, И. Франко кўчаси, 38 «А»-уй.

Телефонлар: 76-08-10, 76-49-73.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш вазирлиги базасидаги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электр-газ пайвандчилар; кенг профилдаги станокчилар; слесарь-сантехник, газ пайвандчилар; технологик қурилмалар ва металл конструкциялари монтажи бўйича слесарь-монтажчилар; автомобиллар ремонти бўйича слесарлар; электр-газ пайвандчилар ихтисоси билан бирга «В» ва «С» категориядаги автомобиль ҳайдовчилар.

ЎҚИШГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 9-11 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ЕШЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати — 10 ой ва 3 йил.

3 йил муддат билан ўқиётган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси (разряди) берилади.

10 синф маълумотига эга бўлган ўқувчиларга ойига 30—76 сўмгача стипендия тўланади.

Ишлаб-чиқариш тажрибаси (практикаси) даврида ҳамма ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртини аъло баҳоларга тамомлаганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга кириш имкониятига эгадирлар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАН ЎҚУВЧИЛАР ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ТРЕСТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза; туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт; маълумоти ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси); яшаш жойидан справка; медицина справкаси; 6 дона фотосурат (3х4 см).



Бизнинг манзилгоҳимиз: 700073, Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй. (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёг-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Қабул комиссияси. Телефон: 91-33-94.

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ШАҲРИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

СИЗЛАРНИ
АКМАЛ ИКРОМОВ НОҲИЯСИ МАДАНИЯТ БЎЛИМИ ВА
ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ

14 ИЮЛЬ КУНИ

Боғ сайлига таклиф этадилар

САЙИЛДА:

соат 12.00 да «БАЛЛИ ҚИЗЛАР» конкурси.

14.00 да «ДОВЮРАК ҚУЁНЧА» қўғирчоқ театри спектакли.

15.00 да Абдулла Қаҳҳор номидаги Маданият уйининг «КЎНГИЛ» вокаль-чолғу ансамбли концерти.

17.00 да «ДАВРАМИЗГА МАРҲАБО» мусиқий оммавий дам олиш программаси.

19.30 да «ШАНБА ОҚШОМИ» мусиқий кеча.

КЕЧАДА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Шариф СУЛТОНОВ

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори Шуҳрат ЙЎЛДОШЕВ.

Солистлар: опа-сингил Олмагул ва Урбигул СУЕРБАЕВАЛАР, Баҳром МАВЛОНОВ, раққоса Гулнора КАРИМОВА ва бошқалар

ҚАТНАШАДИЛАР.

Эрта тонгдан то кеч оқшомга қадар чойхонаю қаҳвахоналар, шахмат клуби, эртаклар шаҳарчаси, болалар темир йўли, кўнгил очар аттракционлар, қайиқ станцияси Сизларнинг хизматингизда.

САЙИЛИМИЗГА МАРҲАБО АЗИЗЛАР!

«ИНТУРИСТ» МАДАНИЙ АХБОРОТ МАРКАЗИ БИНОСИДА

27, 28, 29, 30, 31 ИЮЛДА

МАКСИМ ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК РУС

ДРАМА ТЕАТРИ БИНОСИДА

1, 2, 3, 4, 5 АВГУСТДА

МОСКВА ТАГАНКАДАГИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Билетлар М. Горький номидаги драма театри кассасида сотилмоқда.

КИНО

12 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЭЛЬВИРА ЗУЛМАТ ҲОКИМАСИ» (катта зал 11, 13, 15, 17, 19, 21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (кичик зал, ўзбек тилида, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЯНГИ ОРЛЕАНДАГИ ҚОТИЛЛИК» (тоқ соатларда).

Нукус — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (17, 20.00).

Восток — «ОИЛА» (18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «АТИРГУЛ НОМИ» (18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «МЕНИНГ ДЎСТИМ — СОТҚИН» (17, 20.00).

Хива (ёзги) — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (21.15).

Фестиваль (ёзги) — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (21.15).

13 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ЭЛЬВИРА ЗУЛМАТ ҲОКИМАСИ» (катта зал 11, 13, 15, 17, 19, 21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (кичик зал, ўзбек тилида, 12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ЯНГИ ОРЛЕАНДАГИ ҚОТИЛЛИК» (тоқ соатларда).

Нукус — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (11, 14, 17, 20.00).

Восток — «ОИЛА» (11, 13.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «МЕНИНГ ДЎСТИМ — СОТҚИН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ЕТОҚ ДЕРАЗАСИ» (11, 14, 17, 20.00).

Хива (ёзги) — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (21.15).

Фестиваль (ёзги) — «ОШИҚ ЭРКАК» (21.15).

Сергели район халқ таълими бўлими 385-болалар боғчасининг йўқолган

ДУМАЛОҚ МУҲРИ ВА ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р — 10135.
140.390 нусхада чоп этилади. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.